

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Fil.46.03. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЮЛДАШЕВ ДОНИЁР ТАХИРОВИЧ

АТОҚЛИ ОТЛАРНИНГ АНТРОПОЦЕНТРИК ТАДҚИҚИ

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации
Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Юлдашев Дониёр Тахирович Атоқли отларнинг антропоцентрик тадқиқи.....	3
Юлдашев Дониёр Тахирович Антропоцентрическое исследование собственных имён.....	36
Yuldashev Doniyor Takhirovich Anthropocentric research of proper nouns	68
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	73

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОР ИСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 02/30.12.2019.Fil.46.03. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЮЛДАШЕВ ДОНИЁР ТАХИРОВИЧ

АТОҚЛИ ОТЛАРИНИНГ АНТРОПОЦЕНТРИК ТАДҚИҚИ

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фан доктори диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.DSc/Fil95 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб саҳифасининг www.tai.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот таълим портали www.ziyounet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Дўсимов Зариббой**
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Лутфуллаева Дурдона Эсоновна**
филология фанлари доктори, профессор

Улуқов Носиржон Муҳаммадалиевич
филология фанлари доктори, профессор

Хусанов Нишонбой Абдусатторович
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.29.11.2018.Fil.46.03. рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5-уй. Тел.: (871)233-36-50, факс: (871) 233-71-44; e-mail: uztafi@academy.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 700100, Тошкент шаҳри, Зиёлилар кўчаси, 13-уй. Тел.: (871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.М.Махмудов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

Ғ.М.Исмоилов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, ф.ф.номзоди

Д.С.Худойберганова
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги Илмий семинар
раиси, ф.ф.д., профессор

Кириш (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида атоқли отларнинг лексик-грамматик хусусиятларини ёритиш, этимологиясини белгилаш, уларнинг ҳосил бўлишида инсон омили муаммоси муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Айниқса, атоқли отларнинг қиёсий-тарихий, лингвокультурологик ва социолингвистик жиҳатларини бирламчи манбалар билан асослаш; тил тараққиётининг турли босқичлари, турли тарихий жараён ва шароитда юзага келган номларни қиёслаш орқали улар орасидаги умумий ва фарқли хусусиятларни ёритишда антропоцентрик парадигмадан фойдаланиш ўз самарасини кўрсатмоқда.

Дунё тилшунослигида атоқли отларда шахсга хос хусусиятларнинг намоён бўлиши, айниқса, уларнинг юзага келишида тил соҳибларининг дунёқараши, руҳияти, воқеликка муносабати каби масалаларни жиддий илмий тадқиқ этиш турли тиллардаги атоқли отларда кузатилувчи миллий-маданий ўзига хосликни аниқлашда долзарбдир. Атоқли отлар тизими ҳар бир халқнинг миллий бойлиги, ўзида катта маънавий бойлик, халқнинг йўқотиши мумкин бўлмаган қадриятларини сақлаб қолишда катта аҳамиятга эга бўлган номоддий мулкидир. Шунинг учун ҳам, “бугунги глобаллашув даврида ҳар бир халқ, ҳар қайси мустақил давлат ўз миллий манфаатларини таъминлаш, бу борада, аввало, ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш масаласига устувор аҳамият қаратиши табиий”¹ лиги кундан кунга заруриятга айланмоқда.

Ўзбек тилидаги атоқли отлар тизимини антропоцентрик парадигма доирасида ўрганишда уларни лингвокультурологик, когнитив, социолингвистик, этнолингвистик, лингвопоэтик жиҳатларига асосий эътибор қаратишни, шунингдек, атоқли отлар бирор объектнинг бошқасидан ажратишдан ташқари миллий менталлик, этномаданий, этносоциологик, когнитив, краетив, аккумулятив, аксиологик, эстетик, эмотив вазифаларни бажаришини назардан соқит қилиб бўлмайди. Шу сабали ўзбек тилшунослиги олдида «Ўзбекистон тараққиётининг бугунги янги босқичи – миллий юксалиш даври талабларидан келиб чиқиб, она тилимизнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш», «она тилимизнинг тарихий илдизларини чуқур ўрганиш, уни илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш ва қўлланиш доирасини кенгайтириш»,² «давлат тилининг халқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузи, унинг бошқа тиллар билан алоқалари,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқени тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони // <https://lex.uz/docs/4561730>

² Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4479-сонли қарори. 2019 йил 4 октябрь. <https://lex.uz/docs/4664611?type=doc>

истикболларини белгилаш»³ масаласи миллий маънавиятимизнинг ажралмас қисми бўлган атоқли отлар тизими, бу тизимга мансуб бирликларнинг лисоний жиҳатларини антропоцентрик аспектда тадқиқ этиш заруратини юзага келтиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон «Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сон «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонуни қабул қилинганлигининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги 984-сон «Давлат тилини ривожлантириш департаменти тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи⁴.

Атоқли отлар фондини тизимли ўрганишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Истамбул университети (Туркия), Вашингтон университети (АҚШ), Амстердам университети (Нидерландия), Лондон университети (Англия), Пешавор университети (Покистон), Торонто теология мактаби (Канада), Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институти, Қозон давлат университети, Бошқирд давлат педагогика

³ Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президенти ПФ-5850-сонли Фармони. 2019 йил 21 октябрь. <https://lex.uz/docs/4561730>

⁴ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи куйидаги манбалар асосида амалга оширилди: www.utexas.edu, www.berkeley.edu, www.northwestern.edu, www.bu.edu, www.ecu.edu.au, www.unice.fr/en, www.u-bordeaux.com, www.lang.ox.ac.uk, www.english.pku.edu.cn, www.sophia.ac.jp/eng, www.u-tokyo.ac.jp/en, www.bsu.edu.az, www.msu.ru, www.bashedu.ru, www.kaznu.kz, www.navoiy-uni.uz.

университети, Новосибирск давлат университети (Россия), Қозоқ миллий университети (Қозоғистон), Озарбайжон Миллий Фанлар академияси тарихи институти (Озарбайжон), Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, ЎзФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Жаҳон тилшунослигида атоқли отларнинг антропоцентрик тадқиқига йўналтирилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги илмий натижалар олинган: 2007 йилда Б.Х.Мусукаев томонидан «Замонавий номшуносликда антропоцентризм» мавзусида докторлик диссертацияси ёқланган (Нальчик, Россия Федерацияси); атоқли отларнинг лингвокультурологик хусусиятлари асосланган (Пекин университети, ХХР); ономастик бирликларнинг нутққа жило бериш хусусияти, матндаги вазифаси очиб берилган (София университети; Токио университети, Япония); атоқли отларнинг умумлексик тизимдаги ўрни аниқланган (Боку давлат университети, Озарбайжон); ўзбек мумтоз адиблари асарлари ономастик қатламининг ўзига хос хусусиятлари асосланган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти).

Жаҳон тилшунослигида атоқли отлар тизимини комплекс ўрганиш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: муайян тилдаги атоқли отларнинг бошқа тиллардаги атоқли отлардан фарқли хусусиятларини келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш; ном ва шахс муносабати, уларнинг тилда инъикоси масалаларини ижтимоий омиллар билан боғлиқликда очиб бериш, атоқли отлар тизимининг тадқиқи асосида инсоният тафаккур тарзи такомилини кўрсатиб бериш; антропонимик номинациянинг нолисоний омиллари, ономастик бирликларнинг лингвомаданий тадқиқи, ономастик тизимларнинг типологик тадқиқи ҳамда атоқли отларнинг бадий матндаги лингвопоэтик хусусиятлари.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тилшунослигидаги атоқли отларнинг антропоцентрик парадигма асосидаги тадқиқи бўйича амалга оширилган ишларга таянилган ҳолда рус тилшунослигида қатор тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, В.М.Алпатов⁵, С.Г.Воркачев⁶, А.А.Ворожбитова⁷, Ю.В.Дорофеев⁸ каби тадқиқотчиларнинг бир қатор ишларида шахс ва тил, шахс тили масалаларига эътибор қаратилгани билан ажралиб туради. П.К.Кастомаровнинг «Антропоцентризм замонавий тилшуносликнинг энг муҳим белгиси сифатида» мақоласида немис тили материаллари асосида тилда шахсиятнинг акс этиши, индивидуал тил,

⁵ Алпатов В.М. Об антропоцентричном и системцентричном подходах к языку / В. М. Алпатов // Вопр. языкознания. – М., 1993. – №3.

⁶ Воркачев, С. Г. Лингвокультурология, языковая личность, концепт: становление антропоцентрической парадигмы в языкознании / С. Г. Воркачев // Филологические науки, 2001. – №1.

⁷ Ворожбитова, А. А. Теория текста: антропоцентрическое направление. – М.: Высш. шк., 2005. – 365 с.

⁸ Дорофеев, Ю. В. Антропоцентризм в лингвистике и предмет когнитивной грамматики / Ю. В. Дорофеев // Актуальные проблемы современной когнитивной лингвистики: мат. XV Междунар. лингвистической конф. «Язык и мир». Таврический национальный ун-т им. В.И.Вернадского. – Симферопол, 2008.

лингвоперсонология масалалари ёритиб беришга ҳаракат қилинган⁹. Н.В.Бугорская «Антропоцентризм замонавий тилшунослик категорияси сифатида» мақоласида мазкур йўналишнинг кўплаб муаммоли масалаларни ёритишга имконияти борлигини қайд этади¹⁰. Олиманинг бу соҳага доир бошқа ишлари ҳам мавжуд¹¹.

Ўзбек тилшунослигида ҳам Э.Бегматов, З.Дўсимов, А.Нурмонов, Н.Маҳмудов, Т.Нафасов, Н.Хусанов, Н.Улуқов, Ғ.Сатторов, И.Худойназаров, Д.Худойберганова, С.Кенжаеваларнинг тадқиқотларида атоқли отларнинг айрим жиҳатларига муносабат билдириб ўтилган¹². Бу ишларда номларнинг лексик-семантик, грамматик хусусиятлари ёритилган, атоқли отларнинг ясалиши, этимологияси, номинацион-мотивацион асослари ҳақида муайян хулосалар берилган. Бугунги кунда гарчи бу йўналишда айрим ишлар амалга оширилган бўлса-да, атоқли отлар антропоцентрик нуқтаи назардан ўзбек тилшунослиги, хусусан, ономастикасида махсус тадқиқ этилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Урганч давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади антропоцентрик парадигма асосида ўзбек тилидаги атоқли отларнинг лингвокультурологик хусусиятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

⁹ Кастомаров П.К. Антропоцентризм как важнейший признак современного лингвистики // Вестник Кемеровского государственного университета. – Кемерово, 2014. – № 2 (58) Т. 1. – С. 198-203.

¹⁰ Бугорская Н.В. Антропоцентризм как категория современного языкознания // Методика. – Барнаул, 2002. – С. 18.

¹¹ Бугорская Н.В. Язык как форма сознания // Языковое бытие человека и этноса: психолингвистический и когнитивный аспекты. – Барнаул, 2003.

¹² Бегматов Э. Антропонимика узбекского языка: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1965; Антропонимияни тадқиқ қилишнинг социолингвистик аспекти // Ўзбек тили ва адабиёти. 2011. – №4; Антропонимлар – антропоцентрик тадқиқ объекти // Ўзбек тили ва адабиёти. 2013. – №3; Дўсимов З. Хоразм топонимияси ва «Авесто»// «Авесто» – буюк комумий асар. – Урганч, 2001; Топонимлар таснифи масаласига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – №1. 1978; Хоразм топонимлари. – Тошкент: Фан, 1985; Нурмонов А. Лингвистик нисбийлик ва лингвистик детерминизм назариялари ҳақида мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти. – №5, 2013; Маҳмудов Н. Маърифат манзиллари. – Тошкент: 1999; Тилимизнинг тилла сандиги. – Тошкент, 2012; Тилнинг мукамал тадқиқини излаб // Ўзбек тили ва адабиёти. 2012. – №5; Ўхшатишлар ва миллий образ // Ўзбек тили ва адабиёти. 2013. –№1; Тил тилсими тадқиқи. – Тошкент: Mumtoz soʻz, 2017; Хусанов Н. Ўзбек антропонимлари тарихи. – Тошкент, 2014; Бегматов Э., Улуқов Н. Ўзбек ономастикаси терминларининг изоҳли луғати. – Наманган, 2006; Улуқов Н. Ўзбек ономастикаси. Библиографик кўрсаткич. – Наманган, 2008; Нафасов Т., Нафасов Ш.Т. Атоқли отларга хос умумий хусусиятлар // Жой номлари – халқ тили ва маъданиятининг нодир мероси. – Навоий, 1998; Сатторов Ғ. Ўзбек исмларининг туркий қатлами: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1990; Худойназаров И. Антропонимларнинг тил луғат тизимидаги ўрни ва уларнинг семантик-услубий хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1998; Худойберганова Д. Ўзбек тилидаги бадиий матнларнинг антропоцентрик талқини. – Тошкент: Фан, 2013; Лингвокультурология терминларининг қисқача изоҳли луғати. – Тошкент, 2015; Кенжаева С. Ўзбек тили антропонимларининг номинацион-мотивацион асослари ва тавсифи: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Қарши, 2019.

мумтоз манбалардаги атоқли отларга антропоцентрик ёндашув илдизларини ва XX аср ўрталари – XXI аср бошлари ўзбек номшунослигида антропоцентрик парадигманинг шаклланишини кўрсатиб бериш;

атоқли отларда концепт ва тушунчанинг фарқланиши ҳамда ономастик код кўринишларини ном – номинатор – номинация муносабатлари хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ёритиш;

антропоцентрик тадқиқ асосида айрим атоқли отлар ном ҳамда жамият муносабатида алоҳида типни ташкил қилишини антропоним ва топонимлар мисолида далиллаш;

номларда инсон фаолиятининг турли қирралари акс этишидаги лисоний ва нолисоний омилларни белгилаш;

атоқли отлар таркиби масаласига антропоцентрик ёндашувнинг моҳиятини очиб бериш;

атоқли отлар, хусусан, топонимлар антропоцентрик тадқиқда номинацион универсалияларнинг аҳамиятини кўрсатиб бериш;

атоқли отлар номинация қонуниятларининг шаклланиши ижтимоий-тарихий тараққиёт маҳсули эканлигини лингвокультурология, социолингвистика, этнолингвистика, психолингвистика соҳалари нуктаи назаридан асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўзбек тили ономастик тизимида алоҳида мавқега эга бўлган атоқли отлар танланган.

Тадқиқотнинг предметини атоқли отларнинг антропоцентрик тадқиқи ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда синхрон ва диахрон тавсифлаш, қиёсий-тарихий метод, компонент таҳлил, анализ ва синтез, мотивацион-номинацион, этимологик ва социолингвистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

атоқли отларга антропоцентрик ёндашувнинг туб илдизлари мумтоз миллий меросимизга тааллуқли эканлиги ва XX аср ўрталари – XXI аср бошлари ўзбек номшунослигида ҳам антропоцентризм элементлари кўплаб учраши далилланган;

атоқли отларда концепт ва тушунчанинг фарқланиши ҳамда номлардаги «инсон – табиат», «инсон – жамият», «инсон – билим» концептлари соматик, замон, антропик, биоморфик, предметли, маънавий каби турли маданият кодларда намоён бўлиши очиб берилган;

ном ҳамда жамият муносабатида антропоним ва топонимлар алоҳида типни ташкил қилиши, тарихий ҳамда замонавий номларнинг вужудга келиши тил материалларидаги ва халқ тафаккур тарзидаги ўзгаришларга боғлиқ бўлиши ёритилган;

атоқли отларда инсон фаолиятининг акс этишида номинатор(лар)нинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маиший, табиий-жўғрофий ҳаёт тарзи, ишонч ва ақидалари, маданий ва маърифий даражаси, ўзи ва оламни англашга бўлган интилиши каби асосий омилларга боғлиқлиги аниқланган;

атоқли отларнинг вужудга келишида номинатор ва номинация жараёнининг ўрни ёритилиб, номларнинг номинация тамойилини белгилаш турғун ёки ўзгарувчан тафаккур тарзида намоён бўлишига ва анъанавий ёки расмий номлаш жараёнига боғлиқлиги асосланган;

атоқли отлар ономазиология масаласида антропоцентризмнинг моҳияти, номларнинг номинацион-мотивацион асослари аниқланиб, топонимларнинг аталиш тамойиллари ва номинация қонуниятлари шаклланишида инсон омилининг асосийлиги нисбийлик, транспозиция, позитивлик, негативлик орқали далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

атоқли отларнинг антропоцентрик тадқиқи юзасидан чиқарилган хулоса ва натижалар ҳамда ишда фойдаланилган лисоний материаллар таҳлили тилшунослик, хусусан, ономастика фанини янги илмий назарий тушунчалар билан бойитиши, атоқли отларни таҳлил қилишдаги илмий қарашларни ривожлантиришига хизмат қилиши асосланган;

атоқли отлар ва инсон муносабатлари, номларда инсон фаолиятининг акс этиши, концепт, тушунча ва ономастик код масалаларининг ўрганилиши ўзбек тилшунослиги учун муҳим маълумотлар бериши далилланган;

тадқиқотнинг илмий асослари ва назарий хулосаларидан «Лексикология», «Ономастика асослари», «Лингвокультурология», «Социолингвистика» фанлари бўйича ўқув қўлланмалари яратишга хизмат қилиши, шунингдек, атоқли отларнинг лингвокультурологик, социолингвистик ва психоллингвистик ўзига хосликларини ўрганувчи тадқиқотчилар учун ҳам илмий асос вазифасини ўташи аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги атоқли отларнинг антропоцентрик тадқиқини белгилашда, назарий маълумотларни баён этишда аниқ илмий манбаларга таянилганлиги, тўпланган фактик материаллар мукамал методлар асосида тасниф қилиниб, ишончли назарий манбалар ва тилшуносликнинг замонавий илмий ютуқларидан фойдаланилган ҳолда таҳлил ва талқин қилинганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти атоқли отларнинг антропоцентрик тадқиқига доир мавжуд назарий қарашларни янги билимлар билан бойитишга хизмат қилиши; антропоцентрик парадигма асосида олиб борилаётган тадқиқот ишларига, хусусан, ономаларнинг шахс, жамият, маданият билан боғлиқлиги, номинация жараёнида номинатор ва мотивнинг ўрнини аниқлашда назарий асос вазифасини ўташи билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўзбек тили атоқли отларига оид луғатларни тузишда ва мавжуд луғатларни бойитишдаги ҳамда олий ўқув юрти филология йўналиши талабаларига ономастика оид маъруза, семинар машғулотларини ташкил қилишдаги самарадорлиги билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Атоқли отларнинг антропоцентрик тадқиқи юзасидан олинган илмий натижалар асосида:

Ўзбек тили атоқли отлар тизимини антропоцентрик парадигма асосида ўрганиш, номларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва мотивациясини тадқиқ этиш бўйича олинган хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида бажарилган ФА-Ф1-Г041 рақамли «Ўзбек тили лексикаси ва терминологиясининг мустақиллик даври тараққиётини тадқиқ этиш» (2012-2016) номли фундаментал лойиҳада инсон фаолиятининг атоқли отларда акс этиши ва номларнинг аталиш тамойиллари ҳамда номинация қонуниятларини ёритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2020 йил 11 ноябрдаги №3/1225-2456-сон маълумотномаси). Натижада атоқли отлар ва айрим терминларнинг таҳлилидан фойдаланиш асосида лойиҳа бўйича бажарилган тадқиқотнинг мукамал бўлишига эришилган;

айрим атоқли отларнинг маъноларига доир хулосалар, этимологик тавсифлардан Маҳмуд Замахшарийнинг «Муқаддимат ул-адаб» асарини ўзбек тилидаги изоҳи билан нашр қилиш ҳамда Хоразм Маъмун академиясида 2017 йилда Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 17 мартдаги 49-баёни асосида хўжалик шартномаси асосида амалга оширилган «Огаҳий томонидан форс тилидан ўзбек тилига таржима қилинган «Ахлоқи муҳсинийн» асарини табдил қилиш, нашрга тайёрлаш ва чоп этиш» грант лойиҳасида кенг фойдаланилган. Натижада эски ўзбек тилидаги арабий ва форсий қатламга мансуб атоқли отларнинг маъновий тавсифлари мукамаллашган, манбадаги атоқли отларнинг тўғри ўқилиши, табдил ҳамда талқин қилинишига эришилган (Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг 2020 йил 28 июлдаги №03-03-519-сон маълумотномаси).

атоқли отларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни, унда инсон фаолияти акс этишига оид натижалардан қадимий манбаларда қўлланган атоқли отлар маъноларини тушунтиришда, музейлар фондида сақланаётган экспонатларнинг илмий паспортини ёзишда фойдаланилган (Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамоат фондининг 2020 йил 21 июлдаги №01-42-сон маълумотномаси). Натижада хорижлик мутахассис ва сайёҳларнинг ўзбек оноmaları – атоқли отларининг қадимийлигига қизиқишлари ортган;

атоқли отларнинг мотивацион асослари ва номинацион универсалиялари тадқиқи натижаларидан манбалардаги тарихий номларнинг маъноларини тушунтиришда, Хива «Ичан-Қалъа» давлат музей-қўриқхонасига қаршли музейлардаги экспонатлар мазмунини шарҳлашда, маҳаллий номларни хорижлик сайёҳларга тарғиб қилишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2021 йил 22 январдаги №01-12-01-305-сон маълумотномаси). Натижада маҳаллий ва хорижий сайёҳларнинг тарихий номлар, ватанимиз тарихи ҳақидаги тасавурлари бойишига эришилган;

Хоразм вилоят телерадиокомпаниясининг кўрсатувлари ва эшиттиришлари сценарийларини тайёрлашда, хусусан, «Тилимизни ўрганамиз», «Мунаввар кун» кўрсатувларида тадқиқот натижаларидан фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Хоразм вилоят

телерадиокомпаниясининг 2020 йил 2 июлдаги 993- ва 994-сон маълумот-номалари). Натижада адабий-бадий, маънавий-маърифий дастурларда ўзбек тилининг нуфузи, ривожланиш жараёнлари, атоқли отларнинг тадрижий тараққиётини атрофлича ёритиш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий анжуман, жумладан, 3 та республика ҳамда 5 та халқаро илмий-амалий анжуманда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, жумладан, 1 та монография ва 18 та мақола нашр этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик (DSc) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 8 таси республика ҳамда 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 242 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўзбек номшунослиги тарихида антропоцентрик таҳлил илдизлари**» деб номланувчи биринчи бобида ономастиканинг тил ва инсон ўртасидаги маданий-маънавий, этикавий, этник муносабатларнинг ўзаро таъсирини ўрганишда бой материал берадиган алоҳида тизим эканлиги; атоқли отларнинг антропоцентрик тадқиқи тарихини ёритишда аждодларимиз томонидан яратилган илмий, бадиий ва тарихий асарларнинг ўрни катталиги; замонавий антропоцентрик тадқиқ йўналишини моҳиятан шу кунгача яратилган бой тажриба ва илмий тафаккур тарзининг муайян қонуниятлар билан бойитилган, яхлит тизимга солинган шакли деб баҳолаш ўринли бўлиши тақвимий ва тадрижий жиҳатдан ҳамда манбалар хусусиятига кўра фарқланадиган икки босқичда кўзга ташланиши таҳлил қилинди.

Бобнинг биринчи бўлими «**Мумтоз манбаларда атоқли отлар таҳлиliga антропоцентрик ёндашув**» тарзида белгиланган. Тил бирликлари изоҳига антропоцентрик ёндашув илдизи аслида ўрта аср Шарқ алломалари ишларига бориб тақалиши шубҳасиз. Ўрта аср файласуфлари таълимотларига биноан, инсон кичик олам (микрокосмом) ҳисобланади, яъни дунёдаги мавжуд нарсаларнинг барчасини ўзида мужассамлаштиради¹³. Шу асосда тасаввуфда ҳам *олами кубро* (макркосмом) ва *олами суғро* (микрокосмом) истилоҳлари шаклланган.

Мумтоз филологиядаги «исм», «лақаб», «тахаллус» истилоҳлари ном – номинатор – номинация муносабатларига кўра таҳлил қилинса, исм шахсни шу жамият аъзоси сифатида белгилаш, «тамғалаш» сифатида ном эгаси иштирокисиз юзага келиши, шунинг учун асл тамойил номинатор(лар)гагина маълум бўлиши; тахаллус эса шахсни адабий жамият аъзоси сифатида белгиловчи ном бўлиб, аксар ҳолларда номинатор ном эгасининг ўзи бўлиши, унинг қандай маъно касб этиши номинация тамойилига боғлиқ ҳолда юз бериши; лақаб шахснинг ижтимоий мавқеига боғлиқ равишда турли ареалдаги маълум бир жамиятда бошқалардан фарқловчи мутааххир ва муваққат ном сифатида номинатор ном эгасидан бошқа шахс бўлиши, шунга кўра номинация тамойиллари аксар ҳолда жамият ва мулаққаб шахс муносабатлари инъикоси сифатида юзага чиқиши кузатилади.

¹³ Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. I том. Таржимон А.Расулов. – Тошкент: Фан, 1968. – Б. 429.

Диссертацияда шу тарзда *иштиқоқ* (сўздан сўз ҳосил қилиш қонуниятлари; этимология), *муштақ* (ясалма), *алам* (атоқли от), *наът* (тавсифловчи, сифатловчи), *исми хос* (атоқли от), *исми омм* (турдош от), *асмо илми* (номлар илми), *нисба* (нисбатлаш), *куня* (фарзандларнинг исмига ишора қилувчи атоқли от), *мусаммо* (номланган нарса, объект), *тасмия* (номлаш, номинация) истилоҳлари шарҳланган.

Маълумки, антропоцентризмнинг шаклланиш илдизлари В.фон Гумбольт, Э.Сепир, Б.Уорф, Л.Вайсбергер каби олимларнинг қарашларига бориб тақалади. Лекин бу ўринда ўзбек мумтоз филологияси намояндалари асарлари ва қарашларини ҳам диққатдан соқит қилмаслигимиз зарур. Масалан, Леонард Талме тилга олган *Cause* (сабаб, мотив) Шарқ мумтоз филологиясида *важҳи тасмия* (номланиш сабаби) атамаси билан юритилиб, бирор тушунчанинг номи юзага келиши сабаби – тамойили талқини сифатида берилган. Ана шу жараён ҳозирги кунда биз сўз юритаётган мавзунинг ибтидо нуктаси миллий меросимизда эканига далолатдир¹⁴.

Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асаридаги айрим мулоҳазалари номлаш тамойилларини белгилаш, номинация жараёнининг тараққиёти каби масалалар кўтарилгани билан атоқли отлар антропоцентриқ талқини масаласига бевосита алоқадорлиги, қолаверса, этнолингвистика, лингвоэстетика, ареал лингвистика каби қатор йўналишларга оидлигини кўрсатади¹⁵. Беруний, жумладан, *Сурайё* космоними талқинида қуйидагиларни ёзади: «Сурайё тўпланиб турган олти юлдуз бўлиб, узум шингилига жуда ўхшайди. Араблар буни «ҳамал думбаси» деганлар, (аслида) ундай эмас. Чунки бу юлдузлар (Савр буржининг) ўрқачи устида туради... Сурайё сўзи «савра»нинг кичрайтирилгани бўлиб, аслида «сарва» (йиғилмоқ ва сон кўплиги)дан олинган. Баъзилар фикрича, бу (юлдуз)нинг шундай ном билан аталишига (сабаб) уларнинг ботишида ёмғир ёғиб, «сарва», яъни бойлик ҳосил бўлган. Бу юлдузлар «*Нажм*» деб ҳам аталади»¹⁶.

Ишда шу муносабат билан *Ахтарвеник*, *Ақраб*, *Гов*, *Далв*, *Девқалъа*, *Ёй*, *Жадий*, *Каждум*, *Камондор*, *Каффа*, *Қавс*, *Қисқичбақа*, *Қовга*, *Қорамол*, *Қўй*, *Мизон*, *Молбоқар*, *Навсаржи*, *Пачикар(ик)*, *Самак*, *Тарози*, *Харчанг* каби атоқли отларнинг антропоцентриқ тадқиқи берилган.

Мавзу тадқиқида Абулқосим Маҳмуд Замахшарийнинг «Китоб жибол ва-л-амкина ва-л-миёҳ» («Жойлар, тоғлар ва сувлар ҳақида китоб») номли топонимик асари диққатга лойиқ¹⁷. Муаллиф ўз асарларида кўплаб атоқли отларнинг номланиш мотивларига эътибор қаратади, шу жумладан,

¹⁴ Қаранг: Kazimov S I. Mahmud Kaşgarlinin «Dīvanü lügāt-it-türk» əsərində onomastik leksika: Filol. elm. nam. ... diss. avtoref. – Baki, 2009; Маҳмуд Замахшарий. Муқаддимату-л-адаб. Исмлар боби. (Нашрга тайёрловчилар А.Ўрозбоев, А.Матниёзов, Л.Абдукаримов). – Тошкент: Navro‘z, 2018. – Б. 6-18.

¹⁵ Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. I том. Таржимон А.Расулов. – Тошкент: Фан, 1968. – Б. 283.

¹⁶ Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. I том. Таржимон А.Расулов. – Тошкент: Фан, 1968. – Б. 31.

¹⁷ Китобу-л-жибол ва-л-амкина ва ва-л-миёҳ. Таснифу-ш-шайхи-л-имом Аби-л-Қосим Маҳмуд бин Умар аз-Замахшарий раҳматуллоҳи алайҳ. – Лейден: Брилл. 1855. – С. 281.

топонимларнинг фонетик вариантлари ҳақида ҳам маълумот беради¹⁸. Алломанинг «Муқаддиму-л-адаб» асари эски ўзбек тилидаги лексик бирликларнинг мавзуй-семантик тадқиқини амалга оширишда энг яхши намуна бўлади. Бу асардаги *Қайвон (Хайвон), Суҳо, Савр, Маҳоқ* каби номлар орқали эски ўзбек тилининг сўз бойлиги, адибларнинг поэтик маҳорати бўйича ҳам маълумотларга эга бўламиз. Мумтоз адибларимиз асарлари учун тузилган луғатларда «*Миср*», «*Мадина*», «*Балда*» топонимларининг апеллятиви «шаҳар» маъносини англатиши ёзилса ҳам, улар ўртасида маълум маъно тафовутини кўрсатилмаган. Бу ҳақда асарда қуйидаги маълумот берилган: ...«миср» мадинадан каттароқ, «мадина» балдадан каттароқ ва «балда» қарядан каттароқ бўлади»¹⁹. Демак, алломанинг бу асари ономаиндикаторларнинг антропоцентрик тадқиқида ҳам муҳим манба бўлади.

Носириддин Рабғузий «Асмо илми» инсон ўрганган биринчи илм эканини «Қуръони карим» оятларидан ҳужжат келтирган ҳолда баён қилади²⁰. Адибнинг номшуносликка қўшган ҳиссаси масаласига эътибор қаратган олимлардан бири Н.Хусановдир. Олим, жумладан, Ҳавонинг луғавий маъноси – «хаётбахш»лиги ёдгорликларда ўзига хос тарзда акс этишини мисоллар орқали кўрсатиб беради²¹. Асарда «Шис иброний тилинча «ҳибатуллоҳ» темак бўлур, яъни тенгри атоси (туҳфаси). Ҳобилни олдим эрсанинг ўрнига Шисни бердим», – теди²²» каби антропоцентрик талқин илдизлари акс этган кўплаб парчаларни ўқиймиз. Ишимизда шу муносабат билан *Ҳавво, Шис, Идрис, Исроил, Иброҳим, Абраҳам, Ҳожар, Нуҳ* каби антропонимларнинг антропоцентрик тадқиқига ўрин ажратдик.

Тилшуносликда Алишер Навоий асарлари ономастикаси масаласи ўрганилган бўлишига қарамай²³, муайян бир тадқиқот доирасида ниҳоятда кенг қўламли мавзу тўла ечим топиши имконияти йўқ. Муҳими, Алишер Навоий асарларидаги 1076 та антропоним Б.Бафоев ва Н.Хусановлар томонидан тўпланиб, «Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати»дан жой олган²⁴. Кейинги даврда тилшунослигимизда исмлар лингвопоэтикаси, услубий имкониятлари кенг таҳлил қилинаётгани эътиборга лойиқ²⁵. Ушбу мавзуда сўз кетар экан, ишимизда *Молик Динор, Ҳабиб Ажамий, Нажмиддин Кубро, Паҳлавон Маҳмуд, Луқмон Парранда, Суҳайл, Меҳр, Жобир, Муқбил, Мудбир, Узро* каби номлар изоҳига эътибор

¹⁸ Китобу-л-жибол ва-л-амкина ва ва-л-миёх. Таснифу-ш-шайхи-л-имом Аби-л-Қосим Маҳмуд бин Умар аз-Замахшарий раҳматуллоҳи алайҳ. – Лейден: Брилл. 1855.– С. 56.

¹⁹ Маҳмуд Замахшарий. Муқаддиму-л-адаб. Исмлар боби (Нашрга тайёрловчилар А.Ўрозбоев, А.Матниёзов, Л.Абдукаримов). – Тошкент: Navro'z, 2018. – Б. 136.

²⁰ Носириддин Бурҳониддин Рабғузий. Қисаси Рабғузий. Биринчи китоб. (Нашрга тайёрловчилар: Э.Фозилов, А.Юнусов, Ҳ.Дадабоев). – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – Б. 20.

²¹ Хусанов Н. Ўзбек антропонимлари тарихи. – Тошкент: Navro'z, 2014. – Б. 36.

²² Носириддин Бурҳониддин Рабғузий. Қисаси Рабғузий. Биринчи китоб. (Нашрга тайёрловчилар: Э.Фозилов, А.Юнусов, Ҳ.Дадабоев). – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – Б. 33.

²³ Ёқубов Ш. Навоий асарлари ономастикаси. Филол. фан. номз. дис. автореф. – Тошкент, 1994. – 24 б.

²⁴ Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 4-том. – Тошкент: Фан, 1985. – Б. 268-311.

²⁵ Хусанов Н. Ўзбек антропонимлари тарихи. – Тошкент: Navro'z, 2014. 244 б.

қаратдик. Масалан, «Насойим ул-муҳаббат»да адиб Ҳабиб Аъжамий ҳақида гапирар экан, унинг Қуръон тажвидида моҳир бўлмагани учун *Аъжамий* (ғайри араб) дейилганини ёзади: «Ва ани «Аъжамий» анинг учун дерлар эрдик, Қуръонни дуруст ўқуй олмас эрди, аммо соҳибкамоллар анинг қошида тифли мактаб эрдилар»²⁶.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асаридаги атоқли отлар статистикасига оид маълумотлар З.Холмонованинг тадқиқотида ўз аксини топган²⁷. «Бобурнома» атоқли отларга антропоцентрик ёндашув илдизларини очиб берувчи муҳим манбалардан биридир. Шу сабабдан ишда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг номшунос сифатида *Олача*, *Ламгон//Ламкон*, *Жиззах//Дизак*, *Хузар//Фузор*, *Кеш//Шаҳрисабз*, *Насаф//Нахшаб//Қарши*, *Кўҳак*, *Шош//Чоч*, *Сайхун*, *Хўжанд суйи*, *Сир суйи*, *Самарқанд//Семиркент*, *Кониғил//Конабғир*, *Ҳодарвиш дашти*, *Масжиди Лақлақа*, *Чинийхона*, *Шаҳрисабз*, *Бўтака* каби атоқли отларни изоҳлашдаги антропоцентрик қарашларига урғу берилди. Масалан, *Олача* лақаби ҳақида шундай ёзади: «Султон Маҳмудхондин кичик Султон Аҳмадхон эдиким, Олачахонга²⁸ машҳурдир. Олачахоннинг ваҳжи тасмияси муни дерларким, қалмоқ ва мўғул тили била ўлтуртгучини «олачи» дерлар. Қалмоқни неча босиб қалин кишисини қирғон учун олача де-де қасрати истеъмол билан *Олача* бўлубдур».

Муҳаммад Ризо Огаҳий тарихий асарларини кўзда кечирсак, географияси ниҳоятда кенг бу солномаларда кўплаб атоқли отлар, хусусан, топонимларнинг аталиш сабаблари кўрсатиб ўтилади. Масалан, *Кўчақуми*, *Оқдарбанд*, *Кўкча*, *Тошҳавз*, *Гургон*, *Мусо дарбанди* каби номлар изоҳи ишимизда адиб асарлари асосида келтирилган. Хуллас, бугунги кунда антропоцентрик парадигма бўйича жаҳон тилшунослигининг энг кейинги ютуқларидан фойдаланган ҳолда, унинг тарихий илдизлари ўз миллий меросимиз билан бевосита боғлиқлигини эътибордан четда қолдирмаслигимиз лозим.

Бобнинг иккинчи бўлими «**Замонавий номшуносликда антропоцентрик таҳлилнинг шаклланиши**» деб номланиб, унда қайд этилган давр номшунослигидаги мазкур масала хусусида сўз юритилади.

Сўнгги йилларда ўзбек ономастикасининг тараққиётида А.П.Дульзон, Э.М.Мурзаев, В.Н.Топоров, О.Н.Трубаечев, Б.А.Серебренников, А.К.Матвеев, В.А.Никонов, Ю.А.Карпенко, А.В.Суперанская, А.И.Попов, Б.М.Поспелов, В.А.Жучкевич каби қатор олимлар ғояларининг таъсири сезиларли бўлди. Шу билан бирга, туркий халқлар топонимларини ўрганишга катта аҳамият берилди, жумладан, Қозоғистон, Туркменистон, Бошқирдистон, Қирғизистон, Қорақалпоғистондаги номлар лисоний жиҳатдан ўрганилди. Бу борада Д.Г.Кийикбоев, Т.Жанузақов,

²⁶ Алишер Навоий. Кўрсатилган манба. – Б. 24.

²⁷ Холмонова З.Т. «Бобурнома» лексикаси тадқиқи: Филол. фан. докт. ... дис. автореф. – Тошкент. 2009. – Б.36.

²⁸ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Юлдузча, 1989. – Б. 69.

Д.Х.Кармишева, Г.К.Конкашбаев, А.Абдурахмонов, Г.И.Донидзе, М.Маметов, С.Атаниёзов, А.А.Камолов каби олимлар ўз тадқиқотларини туркий тиллар номшунослигини ўрганишга бағишладилар.

Туркология соҳасида атоқли отларнинг тадқиқи бўйича анча самарали ишлар амалга оширилган. М.М.Гинатулин²⁹, В.Г.Наумов³⁰, Н.В.Данилина³¹нинг номзодлик диссертациялари, В.Х.Махпировнинг «Древнетюркская ономастика», В.Э.Сталтманенинг «Ономастическая лексикография», И.В.Дрон ва С.С.Кроглонинг «Современная гагаузская топонимия и антропонимия» асарлари шулар жумласидандир. Атоқли отларнинг тадқиқи масалалари акс этган «Социолингвистический аспект имени собственного» (М., 1984) тўпламидан ташқари 2004 йилдан бошлаб Екатеринбургда «Вопросы ономастики» журнали нашр қилинмоқда. Журналнинг дастлабки сонидан унинг мақсад ва вазифалари, йўналиши эълон қилинган³².

Ўзбек тилшунослигида ҳам атоқли отлар тизими, унинг турли типларини тадқиқ қилиш бўйича муайян ишлар амалга оширилган. Айниқса, топонимлар ва антропонимлар тадқиқига бағишланган диссертациялар ёқланди, монография, луғатлар яратилди. Ушбу ишларнинг амалга оширилишида С.Қораев³³, Т.Нафасов³⁴, З.Дўсимов³⁵, Н.Охунов³⁶, Т.Эназаров³⁷, Н.Улуқов³⁸; Э.Бегматов³⁹, Ғ.Сатторов⁴⁰, Н.Ҳусанов⁴¹, С.Раҳимов⁴², И.Худойназаров⁴³, Р.Худойбергановлар⁴⁴ муносиб ҳисса қўшишган. А.Примов томонидан космонимлар илк бор монографик

²⁹ Гинатулин М.М. К исследованию мотивации лексических единиц. – Алма-ата, 1973. – С. 27.

³⁰ Наумов В.Г. Явления мотивации в системе диалекта (лексикологический аспект). – Томск, 1985. – С. 17.

³¹ Данилина Н.В. Нижегородская антропонимия XIV-XVII веков. – Горький, 1986. – С. 24.

³² От редколлегии // Вопросы ономастики. – Екатеринбург, 2004. – №1. – С. 5-6.

³³ Қораев С. Географик номларнинг маъносини биласизми? – Тошкент, 1979. – 190 б.

³⁴ Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент, 1988.

³⁵ Дўсимов З. Историко-лингвистический анализ топонимии Хорезма: Автореф. дис. .д-ра филол.наук. – Ташкент, 1989. Дўсимов З. Хоразм топонимлари. – Тошкент: Фан, 1985.

³⁶ Охунов Н. Топонимлар ва уларнинг номланиш хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 1981.

³⁷ Эназаров Т. Туркий содда топонимларнинг этимологик тадқиқи. – Тошкент: Университет, 2002. – 58 б.

³⁸ Бегматов Э., Улуқов Н. Ўзбек ономастикаси терминларининг изоҳли луғати. – Наманган, 2006.

³⁹ Бегматов Э. Антропонимика узбекского языка: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1965. – 28 с.; Э.Бегматов. Ўзбек исмлари маъноси. – Тошкент: ЎЗМЭ, 1998. – 604 б.; Бегматов Э. Ўзбек тили антропонимикаси. – Тошкент: Фан, 2013. – 263 б.; Шу муаллиф. Исмлارнинг сирли олами. – Тошкент: Ўзбекистон, 2014. – 176 б.

⁴⁰ Сатторов Ғ. Ўзбек исмлариининг туркий қатлами: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1990. – 21 б.

⁴¹ Худойназаров И. Антропонимларнинг тил луғат тизимидаги ўрни ва уларнинг семантик-услубий хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1998. – 26 б.

⁴² Ҳусанов Н. Пайғамбарлар исмининг маънолари // Сирли олам. – Тошкент, 1994. – №4. – Б. 19-20.; Шу муаллиф. XI – XIV аср туркий ёдгорликлардаги қадимий яҳудийча ва арабча исмлар // Адабий мерос. – Тошкент, 1991. – №3. – Б. 54-58; Шу муаллиф. XV аср ёдгорликлари тилидаги антропонимларнинг лексик-семантик ва услубий хусусиятлари. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1996. – 125 б; 2-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1997. – 134 б.; Шу муаллиф. Ўзбек антропонимлари тарихи. – Тошкент: Navro‘z, 2014. – 244 б.

⁴³ Раҳимов С. Хоразм минтақавий антропонимияси: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1998. – 25 б.

⁴⁴ Худойберганов Р. Ўзбек антропонимияси тизимининг вариантдорлиги: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – 24 б.

жихатдан тадқиқ қилинди⁴⁵. Шунга қарамасдан, ўзбек ономастикасининг пайдо бўлиши тизими акс этган, унинг ривожланиш жараёнини яққол акс эттирувчи ишлар, атоқли отларнинг номинацион хусусиятлари, ном беришнинг номинацион-мотивацион асослари, бунда лингвистик ва нолингвистик тамойиллар ҳақида баҳс этувчи ишларга эҳтиёж бор.

Замонавий ўзбек тилшунослигида антропоцентрик йўналишдаги тадқиқотларни шартли равишда иккига бўлиш мумкин, яъни: 1) дастлабки антропоцентрик тадқиқ усуллари қўлланилган, ушбу йўналиш таҳлил натижалари акс этган бўлса ҳам, бугунга келиб таомилга кирган терминлар тизими билан иш кўрмаган тадқиқотлар; 2) бевосита антропоцентрик йўналишга дахлдор тадқиқотлар.

Антропоцентрик парадигма кўпгина лингвистик йўналишларнинг асосий концепцияси саналади. Тилшунослигимизда ушбу йўналишнинг шаклланишида Э.Бегматов, А.Нурмонов, Н.Маҳмудов, Д.Ашурова, Ш.Сафаров, Д.Худойберганова, С.М.Мўминов ва бошқаларнинг назарий қарашлари катта аҳамиятга эга бўлди⁴⁶. Н.Маҳмудов «Тил» рисоласида «Тил – энг муҳим алоқа воситаси бўлган ижтимоий ҳодиса» деган таърифга муносабат билдирган бўлса⁴⁷, бу фикрларини кейинги ишларида ривожлантирди⁴⁸. Лингвистик нисбийлик ва лингвистик детерминизм масалалари А.Нурмонов томонидан ўрганилиб, унинг «Лингвистик нисбийлик ва лингвистик детерминизм назариялари ҳақида мулоҳазалар» мақоласида⁴⁹ ёритилди.

Дастлабки пайтларда тилшунослигимизда анъанавий тилшунослик ва систем-структур тилшунослик йўналишлари гўё икки кутб тарзида қабул қилинган бўлса, кейинчалик «аслида «анъанавий тилшунослик» «ҳозирги тилшунослик» ёки «замонавий тилшунослик»ка зид эмас»лиги⁵⁰, Э.Бегматов таъкидлаганидек, «битта ўзбек тилшунослиги мавжуд»лиги⁵¹ англаб етилди. Ўзбек тилшунослигида кейинги даврда юзага келган Д.Худойберганованинг «Матннинг антропоцентрик тадқиқи» монографияси⁵² бу йўналишдаги салмоқли тадқиқотлардан бири саналади.

⁴⁵ Примов А. Ўзбек тили космонимларининг лисоний хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2009. – 24 б.;

⁴⁶ Маҳмудов Н. Ўхшатишлар – образли тафаккур маҳсули // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2011. – №3. Шу муаллиф. Тилнинг мукамал тадқиқи йўллари излаб... // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2012. – №5; Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах, 2006; Мўминов С.М. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари. Филол.фан. д-ри...дис. автореф. – Тошкент, 2000.; Худойберганова Д. Ўзбек тилидаги бадий матнларнинг антропоцентрик талқини. – Тошкент: Фан, 2013.; Шу муаллиф. Лингвокультурология терминларининг қисқача изоҳли лугати. – Тошкент, 2015.

⁴⁷ Маҳмудов Н. Тил. – Тошкент: Ёзувчи, 1998. – Б. 10.

⁴⁸ Маҳмудов Н. Тилимизнинг тилла сандиги. – Тошкент, 2012. – Б. 10; Шу муаллиф. Тил тилсими тадқиқи. – Тошкент: Mumtoz so‘z, 2017. – Б. 3.

⁴⁹ Нурмонов А. Лингвистик нисбийлик ва лингвистик детерминизм назариялари ҳақида мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2013. – №5. – Б. 10-19.

⁵⁰ Нурмонов А., Искандарова Ш., Набиева Д. Анъанавий ва структур тилшунослик муносабатлари масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2006. – №4. – Б. 48.

⁵¹ Бегматов Э. Антропонимлар – антропоцентрик тадқиқ объекти // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2013. – №3. – Б. 35.

⁵² Худойберганова Д. Матннинг антропоцентрик тадқиқи. – Тошкент: Фан, 2013.

Хуллас, XX аср ўзбек номшунослигида атоқли отлар антропоцентрик парадигма термини остида тадқиқ қилинмаган бўлса-да, бу даврда яратилган ишларда ҳам бу парадигма унсурлари ва усуллари учрайди, уларда тил ва тафаккур, тил ва миллат, миллий дунёқараш, халқларнинг тафаккур тарзидаги умумийлик ва хусусийлик масалалари ёритилган.

Ишнинг иккинчи боби «Атоқли отларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни» деб номланган ҳамда унинг биринчи бўлими «Атоқли отларда концепт, тушунча ва ономастик код» тарзида белгиланган бўлиб, унда С.А.Аскольдов, З.И.Журавлева⁵³, Ю.С.Степанов⁵⁴, В.Н.Телия⁵⁵, Г.Г.Слишкин⁵⁶, В.А.Маслова⁵⁷, Ш.Сафаров⁵⁸, Ў.Юсупов⁵⁹ каби олимларнинг мазкур масалалар юзасидан билдирган фикрлари изоҳланган. Бизнинг хулосаларимизга кўра, атоқли отлар ифодалаган концепт ва тушунча ўртасидаги муҳим фарқлар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Концепт – атоқли от ҳақидаги умумий тасаввур, тушунча эса хусусий тасаввурдир.

2. Атоқли от тилда концепт, нутқда тушунча сифатида намоён бўлади.

3. Ономастик бирликлар тадқиқида атоқли отлар кўпинча концепт сифатида таҳлил қилинади.

Бу фикрларимиз *Бухоро, Муҳаббат, Юлдуз, Гурлан, Богалан, Оқтепа, Қоратеп* каби атоқли отлар мисолида ёритилди. Масалан, Бухоро атоқли оти концепт сифатида «вилоят, шаҳар, маҳалла, кўча, зиёратгоҳ» каби тушунчалар жамланмасидир.

«Инсон – табиат», «инсон – жамият», «инсон – билим» концептлари атоқли отларнинг миллий-маданий кодларида ҳам намоён бўлади. Номлардаги маданий код атоқли отлар орқали оламни англашнинг ўзига хос хусусиятларини семантик белги сифатида акс эттиради. Рус тилшунослигида жаҳон лингвистикасидаги кейинги йилларда вужудга келган янгича қарашлар асосида ономастик коднинг қатор таснифлари яратилган⁶⁰. Жумладан, Е.Р.Николаев ёқут киши номларини лингвокультурологик аспектда текширар экан, бир қанча ономастик кодларни ажратади⁶¹.

⁵³ Hornby A.S. Oxford Advanced Learners Dictionary of Current English. – Oxford, 1974. – P. 176.

⁵⁴ Степанов Ю.С. Константы: Словарь русской культуры. – М.: «Языки русской культуры», 1997. – С. 40.

⁵⁵ Телия В.Н. Русская фразеология. Семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты // Языки русской культуры. – М., 1996. – С. 97.

⁵⁶ Слышкин Г.Г. От текста к символу: лингвокультурные концепты прецедентных текстов в сознании и дискурсе. – М., 2000. – С. 97.

⁵⁷ Маслова В.А. Когнитивная лингвистика. – Минск: ТетраСистемс, 2008. – С. 50.

⁵⁸ Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – Б. 16.

⁵⁹ Юсупов Ў.Қ. Маъно, тушунча, концепт ва лингвокультурема атамалари хусусида // Стилистика тилшуносликнинг замонавий йўналишларида. – Тошкент, 2011. – Б. 50.

⁶⁰ Королева И.А. Коды культуры в топонимии Рославльского района Смоленской области // Вестник Балтийского федерального университета им. И. Канта. Сер.: Филология, педагогика, психология. – Калининград, 2020. –№1. С.40-47.; Сьянова Е.И. Ономастический код в ментальном пространстве диалектоносителей (на материале говоров Воронежского Прихопёрья): автореф. дис. ...канд. филол. наук. – СПб., 2007.

⁶¹ Николаев Е.Р. Якутские личных имена (лингвокультурологический аспект): автореф. дис. ...канд. филол. наук. – Якутск, 2018. – С. 19-20.

Ишда ономастик код кўринишлари бўлган соматик код, вақт коди, антропик код, биоморфик код, предметли код, маънавий код тушунчаларининг моҳияти *Жамшид*, *Хуришд*, *Товшан*, *Бўри*, *Арслон*, *Артуқ*, *Чечак*, *Райҳон*, *Лолахон*, *Олтин*, *Темир*, *Болта* каби атоқли отлар мисолида очиб берилган.

Бобнинг иккинчи бўлими «**Антропоним ва топонимларнинг антропоцентрик тадқиқида ном ҳамда жамият муносабатлари**» деб номланган. Антропонимлар атоқли отлар тизимида қатор хусусиятлари (номинаторлар миқдори, тамойилларини белгилашдаги ёндашув кабилар) билан алоҳида типни ташкил қилгани боис уларнинг таснифи ҳам турли тилларда фарқланиши табиий. Ушбу тасниф уларни тартибга солиш, асосийси, бу тип атоқли отларнинг антропоцентрик жиҳатдан таҳлил қилишда иш беради. Н.Хусанов тўғри таъкидлаганидек, исмлар тарихини ўрганиш билан боғлиқ масалалардан бири «тарихий исмлар» тушунчасини конкретлаштириш ва тарихий номлар мажмуини замонавий исмлар фондидан фарқлаш, чегаралаш масаласидир⁶².

Мантиқан ўз тарихига эга бўлмаган исм йўқ. Исмларнинг пайдо бўлиш санасини, хусусан, улар ўз қатлам сўзлари асосида юзага келган бўлса ҳам, аксар ҳолларда аниқлаш имкони йўқ. Масалан, *Отабек* исмини қайси ёзма манбада илк марта қўлланганини қайд этиш мумкин, лекин бу унинг пайдо бўлиш санаси дегани эмас. Шунинг учун биз назарда тутаётган *Жамшид*, *Баҳром*, *Искандар* каби исмлар, яъни тарихийлик тамойили асосида қўйилаётган исмларни эмас, балки халқ тарихининг муайян даврида қўлланилиб, ҳозирги кунда истеъмолдан чиқиб кетган киши номларинигина тарихий антропонимлар термини остида ўрганган маъкул. Натижада тарихий антропонимларнинг юзага келиши антропоцентрик жиҳатдан икки асосий омилга боғлиқ бўлиши ойдинлашади:

1. Тил материалларидаги ўзгаришлар. Бу ҳолатда апеллятивнинг маъноси англамаслиги натижасида ном архаиклашади: *Билга*, *Билга хатун* – *Олима*, *Фозила* каби.

2. Халқ тафаккур тарзидаги ўзгаришлар. Бу ҳолатдаги номларда номинатор апеллятивнинг маъносини англагани ҳолда уларни фаол бирликлар фондидан чиқаради: *Буқа*, *Сатқун* (*Сотқин*), *Болта*, *Назира* каби.

Баъзан тафаккур тарзидаги ўзгаришлар ном эгаси тақдирига муносабат билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин: *Тўмарис*, *Широқ*, *Алишер*, *Абдуллатиф*, *Сухроб*, *Рустам*, *Таҳмина* номларидаги каби.

Диссертацияда шу муносабат билан *Булун*, *Йамтар*, *Мақрач*, *Эбара*, *Тинеси*, *Месси*, *Амирхон*, *Эсмеральда*, *Ишани*, *Тангриқули*, *Олтиной*, *Абдуллоҳ*, *Зарина*, *Қутуз*, *Қапаган*, *Теша*, *Кўчқор*, *Ҳасан* – *Ҳусайн*, *Фотима* – *Зухра*, *Ойша* – *Фотима*, *Юсуф* – *Зулайҳо*, *Тоҳир* – *Зухра*, *Юсуф* – *Аҳмад*, *Юсуф* – *Аҳмад* – *Маҳмуд*, *Дониёр* – *Гулёр*, *Шаҳзод* – *Гулзод*, *Фаррух* – *Гулруҳ*, *Ганга* – *Жамна*, *Бугро*, *Яган*, *Алишер*, *Абдуллатиф*, *Ўлмас*, *Ўлмасой*, *Мангу*,

⁶² Хусанов Н. Ўзбек антропонимлари тарихи. – Тошкент: Navro‘z, 2014. – Б. 12.

Таҳмосб, Анортой, Субутой, Иристой, Фарангиз, Беҳзод, Беҳбуд, Беҳруз, Барно, Қўзибой, Тойлибой, Такабой, Қулунбой, Тўқли каби антропонимлар қайд этилган нуқтаи назардан таҳлил қилинган.

Бўлимда яна уруғ тамғаларига (*Сирғали, Болғали, Ўроқбой, Қаргаёқли, Чўмичли* каби), деҳқончиликка (*Кўлбой, Анҳор, Қўшчи, Кетманой* каби), ўсимлик номларига (*Арнабой, Долчин, Ниҳола, Зирагул, Сабзигул* каби), дарахт номларига (*Олмабой, Анжир, Анора, Зайтуна* каби) асосланувчи номларнинг мотивацияси ҳақида ҳам атрофлича фикр юритилган. Хуллас, исмларнинг ҳосил бўлиши ва шахсга атоқли от сифатида танланиши мотивларидан маълум бўладиги, халқимизнинг қадимий эътиқодлари, юксак маданий-эстетик диди, исм ижод қилишдаги топқирлиги ва бу борада тил лексикасидан унумли фойдаланиши, сўз сеҳрига ишониши, сўзнинг инсон тақдирига, соғлиги ва истикболига таъсири каби омиллар ўзбек тили лексикасининг таркибий қисми бўлган атоқли отларни антропоцентрик йўналишда тадқиқ қилишни тақозо қилади.

Бобнинг учинчи бўлими «**Номларда инсон фаолиятининг акс этиши**» деб номланган. Номларнинг ишонч ва ақидалари билан боғлиқлиги исломий ақидалар⁶³ мисолида очиқ берилган ҳамда *Абдул Уззо, Мурра, Ҳарб, Ғуроб, Абдулҳажар, Абдуллоҳ, Заҳм, Башиёр, Ҳазн, Саҳл* киши исмлари таҳлил қилинган. Антропонимларда мавжуд номинация тамойиллари бири-бири билан боғлиқ ҳолда ривожланиб борган. Шундай тамойиллар борки, улар жуда муҳим узвийликда бўлиб, бирини иккинчисиз тасаввур қилиш қийин. Жумладан, саналаштириш тамойили ном мазмунидан келиб чиқиб, баъзан диний мотивлар асосидаги номлар билан, баъзан табиат ҳодисаларига боғлиқ номлар билан узвийлик касб этади. Ишда бу фикрлар *Баҳман, Баҳманёр, Ражаб, Рамазон, Сафар, Шаъбон* исмлари орқали ўз исботини топган. Масалан, *Баҳман* بهمن «Авесто»да *Vehumana*, паҳлавийда *Vehuman* бўлиб, «яхши», «эзгу» маъносидаги *vehi* ҳамда «ўй», «фикр» маъносидаги *man* сўзларидан таркиб топган. Табарий унинг маъносини арабчада الحسن النية деб беради. *Баҳман* зардуштийлар эътиқодидаги амшоспандлардан бири бўлган. Йилнинг ўн биринчи ойи ва ҳар ойнинг иккинчи куни *баҳман* дейилган⁶⁴. Бу сўзнинг бошқа маънолари ҳамда атоқли от сифатида *фаршита, тоғ, аҳоли яшаи жойи*ни англатиши ушбу луғатда батафсил берилган⁶⁵.

Киши номларининг турмуш тарзи турлича, географик жиҳатдан бири-бирдан олис, иқтисодий шароитлари бошқача халқларда баробар тарқалганлиги яна бир бор инсон ҳар қандай табиий ва иқтисодий шароитда ўз маънавий қиёфасини сақлаб қолишга интилишини ифодаси экани мўғулларда қўлланган *Az* – бахт, *Azjargal, Bayar* – севинч, байрам, *Bayarbaatar* – севинч ва ботир, *Bayarsaixan* – севинч ва гўзал, *Mönx* – абадий,

⁶³ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Бахтиёр оила. – Тошкент: Hilol nashr, 2015. – Б. 279.

⁶⁴ علي اكبر دهخدا. لغت نامه دهخدا. جلد چهارم. موسسه انتشارات وچاپ دانشگاه تهران. ۱۳۷۷ ص ۵۱۲۷

⁶⁵ علي اكبر دهخدا. لغت نامه دهخدا. جلد چهارم. موسسه انتشارات وچاپ دانشگاه تهران. ۱۳۷۷ ص ۵۱۲۹ – ۵۱۲۶

мангу, *Mönxsaixan* – абадий, мангу; гўзал⁶⁶ каби номлар орқали кўрсатиб берилди ва бунда ўзбеклардаги *Ўлмас, Ўлмасой, Яшар*; мўғуллардаги *Мönx, Mönxsaixan*; араблардаги *Холид*; форслардаги *Жовид* каби номлар ўзаро антропоцентрик жиҳатдан қиёсланди.

Атоқли отларда инсон фаолиятининг акс этиши бир қанча омиллар билан, жумладан, *Темирчи, Жувазчи, Тавохчилар, Чалакчилар Бўйрачи, Базазлар, Мийран авил, Лақалиқўл, Чўртанли* кабилар номинатор(лар)нинг маиший-иқтисодий ҳаёт тарзи акс этиши омили; *Равотхўжабобо, Абдуллабува, Ахунбува, Давлатбува, Дўсақбува, Кечирмасбува, Султонбува, Шийхимбува, Эшанқалъа, Султанбува* кабилар ишонч ва ақида омили; *Сазақлиқ, Ақбашлиқ, Жийдалиқулан, Иситмажигилдак, Йеккатут, Маиштахта, Далатов, Беиғужум, Ишқалиқ, Бўйанли* тарзидаги номлар эса фитоомил билан боғлиқдир. Шунинг учун номларнинг келиб чиқишини ўрганар эканмиз, уларни бир-биридан ажралган ҳолда эмас, балки қатор бошқа номлар билан алоқадор ҳолда пайдо бўлганлигини эътироф қилмоқ керак⁶⁷.

Номларда миллат этногенизи акс этиши мавжуд адабиётларга мурожаат қилган ҳолда⁶⁸ *Араб, Биджанак, Ас, Алан, Уйгур, Чигатой, Сарт, Қозақ, Туркман, Қарилпақ, Уйгур, Йўмит, Чавдир, Алиэли, Хидирэли, Алтинжилар, Аралли, Бузгут, Қийат, Сўғдиёна, Дашти Қипчоқ, Хазария* каби номлар антропоцентрик таҳлили орқали кўрсатилди.

Номларда инсон фаолиятининг акс этиши тилда мавжуд луғавий бирликларга фалсафий маъно беришида сезилади. Мисол тариқасида ономастикада ранглар маъноларининг ўзгачалиги мана шу жараён билан изоҳланади. Ранг билдирувчи сўзлар ичида *оқ* ва *қора* сўзлари алоҳида ўрин тутаяди. Масалан, «қора»⁶⁹ сўзининг *Қорахон, Қора ботир, Қоратош, Қоравой* каби номлар таркибида маънолари фикримизни далиллай олади.

Иккинчи бобнинг тўртинчи бўлими «**Расмий мотивли номларнинг антропоцентрик талқини**» деб аталади. Расмий мотивли номлар кўпинча мамлакат худудида олиб борилаётган сиёсий жараёнлар асосида пайдо бўлади. Улар маълум расмий ҳужжат билан мустаҳкамланиб қўйилади. Кишиларнинг дунёқараши, воқеликка муносабатлари турлича бўлгани каби расмий объектларнинг номланиш хусусиятлари ҳам турлича. Шунинг учун уларнинг семантик қиёфаси ранг-баранг. Ишда булар фермер хўжалиги номлари мотивацияси мисолида ёритилди: *антропоним билан номланувчи,*

⁶⁶ Bulet Gul. Monghol Kışı Adları // Modern Türklük Araştırmaları Dergisi. – Cilt 7.Sayı 1. Mart 2010. – S. 220.

⁶⁷ Никонов В.А. Закон ряда в географических названиях // Вопросы языкознания. – Москва, 1958. –№6. – С. 58.

⁶⁸ Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. – СПб, 1865. – С.170-171.; Толстов С.П. Город гузов. Советская энциклопедия. – М., 1947. – С.3100.; Якубовский А.Ю. Вопросы этногенеза туркмен. Советская энциклопедия. – М., 1947. – С.49; Поливанов Е.А. Узбекская диалектология и узбекский литературный язык. – Ташкент, 1933; Абдуллаев Ф.А. Жанубий Хоразм шеваларининг тарихига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: 1958. –№ 1.

⁶⁹ Этимологический словарь тюркских языков. Общетюркские и межтюркские основы на буквы «К», «Қ». – М.: Языки русской культуры, 1997. – С. 186.

этнотопоним билан номланувчи, аббревиатуралар билан, истоқлол руҳи сезилиб турувчи апеллятивлар билан номланувчи каби.

Расмий мотивли номлар номинациясини анъанавий атоқли отларга қиёслаш улар ўртасидаги қатор фарқлар мавжудлигини кўрсатади: 1) расмий мотивли номлар шартли равишда анъанавий номсозликдан анча кейин, муаян тарихий шароит натижасида пайдо бўлган; 2) ана шу тарихий шароит инсониятнинг илм-фан, техника борасида тараққиёти ҳамда давлат тизимларининг мукаммалашувига кўра ҳар бир халқ тарихида турли даврларга тўғри келади; 3) бунда ҳал қилувчи омил ном – номинатор муносабатларида янги бир тип вужудга келгани ва натижада номинация жараёнида ўзгариши юз берган: номинаторлар адади ноанъанавий тарзда чекланган; 4) расмий мотивли номлар «яшаш тарзи» анъанавий номлардан фарқ қилиб, улар тилда қайси йўл билан пайдо бўлган бўлса, шу йўл билан «йўқ қилиниши» ҳам мумкин, анъанавий номларда эса бу жараён табиий ҳолда кечади.

Қайд этилган экстралингвистик омиллар ўз навбатида қатор лингвистик характердаги фарқларни юзага келтиради:

1. Анъанавий номлар барчага маълум объектларни ифодалаб, унга ном қўйиш учун жамиятнинг барча вакиллари ваколатли бўлади, шунинг учун уларда объектнинг бирор хусусияти акс этади, расмий мотивли *X-б* деб номланган осмон жисми номи хусусида бундай дея олмаймиз.

2. Таркибида киши номлари қатнашувчи анъанавий номларда антропоним билан объект ўртасида алоқадорлик бўлади, расмий мотивли номларда эса бундай алоқадорлик бўлмайди ёки бевосита юз бермайди.

3. Антропоним таркибли анъанавий номларда қаратқич келишигининг бирор шакли қўлланилиши асос антропоним билан объект ўртасидаги мустаҳкам алоқани ўташ вазифасини бажаради (*Худдининг кўли, Чингизинг қири*), расмий мотивли номларда (*Бектемир тумани, Беруний шаҳри, Амир Темура кўчаси*) эса объект ва асос антропоним ўртасида бундай алоқадорлик йўқлиги эгалик қўшимчасига хослик, умумдан ажратилганлик маъносини юклайди.

4. Анъанавий номларда асл мотивация атоқли от типларига кўра турли даражада жамият аъзоларига маълум бўлади, расмий мотивли номларнинг асл мотивацияси эса номинатор(лар)гагина маълум бўлади.

5. Анъанавий номлардаги рақамлар маълум ададни ҳам ифодалаши, рамзий характерда ҳам бўлиши мумкин. Лекин ундаги рақамлар давр ўтиши билан том маъносини ўзгартирган ҳолда ҳам рақам ўзгармайди (*Элликқалъа, Олтиариқ*), расмий мотивли номларда эса ҳар бир рақам аниқ бир ададни ифодалайди, шунинг учун анъанавий номларда сонлар сўз билан, расмий мотивли номларда эса рақам билан ёзилиши мантиқан тўғри.

6. Расмий мотивли номларнинг маълум қисмини қисқартмалар ташкил этади (*ПРХ, ГБИ, КАГ*), аммо уларнинг қандай маъно англатиши ва қандай грамматик қонуниятлар асосида шаклланганлиги кўп ҳолларда маълум эмас, анъанавий номларда эса бундай ҳолат кузатилмайди.

7. Расмий мотивли номлар асосан *Галилей кометаси* каби барча тилларда учун умумий ёки калькаланадиган бўлади, анъанавий номларнинг айрим типлари ҳар бир тилда бир-биридан фарқланиши мумкин.

8. Анъанавий номларда вариантлик (*Уторуд – Меркурий; Арасту – Аристотель*), тилнинг турли тараққиёт босқичларига хослик (эски туркий тилда *Бақирсўқим*, эски ўзбек тилида *Миррих*, ҳозирги ўзбек тилида *Марс*) жиҳатлари расмий мотивли атоқли отларда кузатилмайди.

Диссертациянинг учинчи боби «**Атоқли отларнинг вужудга келиши ва мотивацияси**» деб номланиб, биринчи бўлими «**Ономасиология ва ономастика муносабатлари**» тарзида белгиланган.

Ономасиология соҳаси, унинг объекти ва мақсадлари тилшуносликда турлича талқин қилиниб келинмоқда. Чунончи, О.С.Ахманова «ифодалаш, аташ (номлаш), номлаш (маъно, сигнификация) ҳақидаги семасиология фанидан фарқланадиган фан»⁷⁰, Н.В.Подольская «номлар ва ном бериш (аташ) ҳақидаги фан»⁷¹ эканлигини қайд этадилар. Мутахассислар ономасиологиянинг тадқиқот объекти ва вазифаларини белгилаш⁷², ономасиология муаммолари бўйича⁷³ махсус тадқиқотлар олиб боришган. Бу борада рус ва ўзбек тилшуносларидан Я.С.Тропцев⁷⁴, Ж.Марузо⁷⁵, О.С.Ахманова⁷⁶, Н.В.Подольская⁷⁷, А.К.Левковская⁷⁸, С.Иброҳимов⁷⁹, Р.Дониёров⁸⁰, Н.Икромова⁸¹, Т.Турсунова⁸² каби олимларнинг ишларида эътиборли фикрлар мавжуд.

Ш.Сафаровнинг ёзишича, билиш жараёнининг руҳиятда кечиш масаласи билан махсус шуғулланган Ж.Бруннер, Л.М.Веккер, Б.Ломов каби психологлар воқеликнинг онгда акс этиши турли хусусиятларга эғалигини қайд этишади. Жумладан, *муқимлик* (идрок этилаётган предметнинг доимий, муқим бўлиши), *предметлик* (объектнинг алоҳида мавжуд бўлиши), *бутунлик* (предмет қисмлари ва бўлақларининг янги бир даражада бирикиши), *умумийлик* (предметнинг муҳим хусусиятларини фарқлаш) шулар қаторига киради⁸³.

⁷⁰ Ахманова А.С. Словарь лингвистических терминов. – М.: Советская энциклопедия, 1966. – С. 309.

⁷¹ Подольская Н.В. Словарь русской ономастической терминологии. – М.: Наука, 1988. – С. 96-97.

⁷² Заонегин Е.В. Некоторые общие вопросы ономасиологии // Научные доклады высшей школы, филологические науки. – М., 1969.

⁷³ Тропцев И.С. Очерк русской ономасиологии: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – Л., 1970.

⁷⁴ Тропцев И.С. Кўрсатилган манба. – Б. 52.

⁷⁵ Марузо Ж. Словарь лингвистических терминов. – М.: Наука, 1969.

⁷⁶ Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М.: Советская энциклопедия, 1966. – С. 228.

⁷⁷ Подольская Н.В. Словарь русской ономастической терминологии. – М.: Наука, 1988. – С. 97.

⁷⁸ Левковская А.К. Теория слова, принципы ее построения и аспекты изучения лексического материала. – М.: Высшая школа. 1962. – С. 171-183.

⁷⁹ Иброҳимов С. Опыт исследования лексики шелководов Ферганской долины: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Л., 1950. – С. 20.

⁸⁰ Дониёров Р. Ўзбек тили техник терминологиясининг айрим масалалари. – Тошкент: Фан, 1977. – Б. 81-84.

⁸¹ Икромова Н. Ўзбек тилида таомларга ном қўйиш принципларига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент. 1967. – №1. – Б. 49-51.

⁸² Турсунова Т. Ўзбек тили амалий санъати лексикаси. – Тошкент: Фан, 1978. – Б. 69-71.

⁸³ Сафаров Ш. Когнитив лингвистика. – Жиззах: Сангзор, 2006. – Б. 22.

Когнитив жиҳатдан олиб қараганда, номлаш жараёнининг ўзи фреймни ташкил этади. У объект, номинатор, номинация каби категориялардан иборат бўлиб, категория хусусиятлари билан боғлиқ бўлган бошқа жараёнлар (масалан, номларни расмийлаштириш, хариталаштириш, эълон қилиш, улар билан боғлиқ расмий ва урфий маросимлар) субфреймни ташкил қилади. Ана шу ўринда номлаш фреймининг мантикий структураси – унинг қандай когнитив бўлақлардан иборат бўлиши, уларнинг шаклланиш босқичлари намоён бўлади. Ономастик тизимда номларни антропоцентрик нуктаи назардан тадқиқ қилар эканмиз, бир тизимга мансуб атоқли отларга хос бўлган хусусиятларнинг иккинчи бир тизимга тўла мос келмаслигини кузатамиз. Хусусан, *номинатор – объект – номинация* муносабатларида топонимлар ва антропонимлар хусусиятларини солиштириш шундай хулоса чиқаришга имкон беради:

а) топонимлар каби номинатори умумий бўлган атоқли отларнинг номинация тамойилларини белгилаш мумкин бўлади. Номинатори чекланган атоқли отларда эса уларни аниқлаш қийин бўлмаса ҳам, ўта аниқ хулоса чиқариш имкони бўлмайди (*Янгикент, Денов, Рустам, Фурқат* мисолида);

б) номинаторлар умумийлиги ва хусусийлигининг номинация жараёнида яққол кўзга ташланадиган жиҳатларидан яна бири, шубҳасиз, уларда тафаккур тарзи турғунлиги ёки ўзгарувчанлигининг акс этишидир. Англашиладики, объект – номинатор муносабатларида номинатор ролининг етакчилиги сезилади (ҳар қандай топоним ва *Эсмеральда, Месси, Раҳул* антропонимлари мисолида);

в) объект умумийлиги ва хусусийлигининг номинация жараёнида ҳал қилувчи ўрни борлиги масаласи. Бунга неокосмонимлар, яъни телескоп орқали кўринадиган ва, табиийки, уларни номлаш маълум шахслар ёки муассасалар томонидан амалга оширилган осмон жисмлари номи яққол мисол бўла олади. Шунингдек, янги кашф қилинган ашёлар ҳамда ўсимлик, жонзот кабиларни номлаш асослари ҳам юқоридаги хулосаларни далиллайди (*Етти қароқчи, Х155 кратери* мисолида).

Учинчи бобнинг иккинчи бўлими «**Атоқли отлар таркибининг антропоцентрик таҳлили**»дир. Шу кунгача ўзбек тилшунослигида ва туркий тиллар ономатикаси бағишланган тадқиқотларда атоқли отларнинг ясалиши масаласи турлича талқин қилинганлиги кузатилади. Бу айни вақтда топонимларнинг ясалиш структурасини белгилашда қатор чалкашликларга сабаб бўлмоқда. Кўпгина аффикслар асоссиз равишда ном ясовчи кўшимчалар қаторига киритилмоқда. Кўплаб ишларда *-кор, -каш, -лик, -чи, -ли, -ар* каби кўшимчалар топоним ясовчилар сифатида изоҳланди⁸⁴. Манбаларда қуйидаги топонимлар *-лик* аффикси билан ясалган топонимлар

⁸⁴ Караев С. Опыт изучения топонимы Узбекистана: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Тошкент, 1970. – С. 23.

сифатида изоҳланган: *Базозлик, Кўнчилик, Сўкфурушлик*⁸⁵, *Заргарлик, Мешгарлик*⁸⁶, *Беийиллик, Азатлик, Тенглик, Хурлик, Бирлик, Шодлик*⁸⁷.

Гарчи сўз ясалиши структураси ҳамма вақт ясовчи ва ясалманинг семантик-морфологик муносабати билан белгиланар экан, қисмлар орасидаги ассоциатив алоқа сезилиб туриши лозим деб қаралар экан⁸⁸, келтирилган бу топонимларнинг бирортасини ҳам *-лик* аффикси орқали ясалган деб бўлмайди. *Базозлик* топоними *базоз* сўзидан ёки *Хурлик* жой номи *хур* сўзидан қўшимча қўшиш орқали ясалган эмас, балки бу топонимлар лексик-грамматик характердаги *ономастик конверсия* усулида вужудга келган. *Илонли, Болгали, Ашамайли, Қазаяқли, Чумичли* каби топонимларнинг вужудга келишини –ли қўшимчаси билан эмас, *трасонимизация* усули билан изоҳлаш мақсадга мувофиқдир. Топонимлар таркибида бу қўшимчаларини объектни кўрсатувчи формал элемент сифатида, яъни топоформант деб қараган маъқул. Номлар таркибидаги *сар* (Сариосиё), *пой* (Пойканд), *пеш* (Пешкў), *нав* (Навхас) каби префикслар дериват характерда бўлиб, улар диахроник аспектда мустақил сўзга тенг. Масалан, тарқалиш ареали анча кенг бўлган *сар* سر компоненти Ўрта Осиё ва Эрон топонимлари таркибида учрайди: *Сариосиё, Саранайан, Сарран, Саритам, Сарачоҳ, Сарадашт, Сармозор, Шахсара, Фарсара, Атарсара, Тодасара* каби. Т.Д.Чхеидзе тўғри таъкидлаганидек, *-sar* суффикси «бош» маъносидаги авестовий *saraga* алоқадордир⁸⁹. Ўзбек тилида *бош* сўзи эга бўлган кўчма маъноларнинг деярли барчаси форсча *сар* сўзида бор⁹⁰. Демак, бу ўринда топоним ясалишининг композиция усули ҳақида сўз юритиш тўғри бўлади. Демак, атоқли отлар таркиби ҳам антропоцентрик нуктаи назардан таҳлил қилиниши зарур.

Учинчи бобнинг учинчи бўлими «**Атоқли отларда мотивация ва номинация масаласи**» саналади. Ономастик бирликлар объектни номлашда тил материалдан иккинчи бор фойдаланиш маҳсули, яъни иккиламчи номинациядир. Ҳар қандай номинация жараёни муайян асос (мотив)га таянади. Номлаш, ном учун қандай воситани танлаш, бунинг экстралингвистик ва лингвистик асослари кабилар ном учун асос бўлган мотивга боғлиқ. Шу сабабли турдош ва атоқли отларнинг юзага келишидаги замин, асос, яъни мотивни аниқлаш, тадқиқ қилиш ниҳоятда муҳим. Кўп ҳолда ном учун асос бўлган мотив давр ўтиши билан унутилади, ўтмишда қолади. Бу ҳол номлаш учун асос бўлган мотивни белгилашни кийинлаштиради.

⁸⁵ Кадирова Ш.М. Микротопонимы Ташкента: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Тошкент, 1970. – С. 25.

⁸⁶ Нафасов Т. Топонимы Каш-кадарьинской области: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Тошкент, 1968. – С. 11.

⁸⁷ Каримова Л. Топонимы североузбекских говоров: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Тошкент, 1971. – С. 6; Охунов Н. Топонимы Кокандской группы районов: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Тошкент, 1972. – С. 15.

⁸⁸ Ўзбек тили грамматикаси. I. Морфология. – Тошкент, 1975. – Б. 10-11.

⁸⁹ Чхеидзе Т.Д. Именное словообразование в персидском языке. – Тбилиси, 1969. – С.31.

⁹⁰ Персидско-русский словарь. Том 2. – М.: Русский язык, 1983. – С.26-28.

Мотив, мотивация, номинация терминларининг энциклопедик⁹¹, таржима⁹², соҳавий⁹³ луғатлардаги талқини С.Кенжаева томонидан илмий-танқидий таҳлил қилинган⁹⁴. Атоқли отларга бағишланган кўпгина ишларда мотивация ва номинация тушунчалари бир-бири билан боғлиқ қўлланади. Е.В.Захарова *Катило* кўлининг апеллятиви «тувак» маъносидаги *katilo* эканини кўрсатар экан, «ушбу номинациянинг мотиви кўлнинг шакли бўлиши мумкин» – деб қайд этади⁹⁵. Худди шу тарзда рус ономастикасида *слова-мотиватор* термини ҳам шаклланган⁹⁶. Рус ва ўзбек тилшунослигида мазкур терминнинг фаоллашуви ўтган асрнинг 70-йилларидан кейинги даврларга тўғри келади. Бизнингча, бу терминларга «номинацияда ном бериш учун сабаб бўлувчи белги, яъни объект номининг қандай бўлишига замин ҳозирловчи омил *мотив*, мотив асосида номланиш *мотивация* деб юритилади»⁹⁷ тарзидаги изоҳ ўринли.

Исмлардаги мотив, мотивация масаласини ҳал қилишга киришишдан олдин илгари нотўғри талқин қилинган қатор муаммоларни қайта кўриб чиқиш зарур. Ном – номинатор – номинация муносабатлари жараёнига тааллуқли фикрларимиз хулосаси ҳам киши номларида бир миллат вакилларига қўйилган бир хил номлар мотивация ва номинациясига кўра турлича бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Бу жараёнда номни апеллятив лексика ва исм учун асос маъно (мотиватив маъно) бир-бири билан боғлиқ, лекин қатъий чегара доирасида таҳлилга тортиш лозимлиги яна бир бор намоён бўлади. Жумладан, *Бўри*, *Кўзи*, *Кўчқор* каби исмларни зоомотивли; *Райҳон*, *Нилуфар*, *Сарвихон* кабиларни фитомотивли; *Юлдуз*, *Хушид*, *Сурайё* кабиларни космомотивли; *Тошкентбой*, *Сирдарёхон*, *Урганчбой* кабиларни топомотивли гуруҳларга ажратиш ўринли эмас. Чунки бу исмларнинг асл мотиви кимга, ким томонидан, нима сабабли қўйилгани аниқлангандагина аён бўлади, шу сабабли ном – номинатор – номинация муносабатлари мотивацияни белгиловчи омил саналади. Ҳар қандай ономасилогик тадқиқотда мотив тушунчасини нотўғри англаш, яъни исмларни апеллятив лексика асосида таснифлаш кўплаб ғайриилмий талқинларни келтириб чиқаради.

Исмларнинг ижтимоий ҳодиса эканлиги исмларни танлаш мотивида, шунингдек, уларга турли ижтимоий, этнографик, диний маънолар юкланишида ҳам кўринади. Ономастик бирликларининг ижтимоий

⁹¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: ЎзМЭ, 2004. 6-жилд. – Б. 96.

⁹² Русча-ўзбекча луғат. 2 жилдли. – Тошкент: ЎзСЭ, 1983. 2-жилд. – Б. 573

⁹³ Усмон О., Дониёров Р. Русча-интернационал сўзлар изоҳли луғати. – Тошкент: Фан, 1965. – Б. 295; Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. – Тошкент: ЎзМЭ, 2006. 2-жилд. – Б. 618; Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М.: Советская Энциклопедия, 1969. – С. 174.

⁹⁴ Кежаева С. Ўзбек тили антропонимларининг номинацион-мотивацион асослари ва тавсифи. Филол. фанлари номз. дисс. – Қарши, 2019.

⁹⁵ Захарова Е.В. Прибалтийско-финский субстрат в топонимии колодозерьям // Вопросы ономастики. 2008. №6. – С. 69.

⁹⁶ Заметки по славянской топонимической архаике Новгородской земли (Псижа, Плюсса, Плиска, Пскова и др.) // Вопросы ономастики 2008. № 6. – С. 6.

⁹⁷ Бегматов Э., Н.Улуков. Ўзбек ономастикаси терминларининг изоҳли луғати. – Наманган, 2006. – Б. 48.

хусусиятларини тадқиқ қилиш масаласи бўйича В.Д.Бондалетовнинг ономастика ва социолингвистика ўртасидаги фарқ ҳамда ушбу соҳалар ўрганувчи муаммолар ҳақидаги фикрлари ҳам диққатга сазовор⁹⁸. Бу қарашларни ўзбек антропонимлари асосида Э.Бегматов таҳлил қилган эди⁹⁹.

Умуман, ономастик номинация жараёнида икки ҳолат кузатилади: 1) янги, оригинал исм ижод қилиш; 2) анъанавий номлар орасидан исм танлаш. Биринчи ҳолат ўтмишда кўп кузатилган ва тилда антропонимия фондининг яратилишига сабаб бўлган ҳамда иккинчи ҳолатга имкон яратган. Эндиликда янги исм ижод қилиш жараёни фаол эмас. Иккинчи ҳолатга кўра, ном тилдаги исмлар фондидан танланади ва қўйилади. Бунда номинаторларнинг хоҳиши асосий ўрин тутади: *Тўхтасин, Турсун, Ўлмас, Абдулла, Нурулла, Унсун, Фариди, Камола, Гулрух, Дилдора* каби.

Антропоцентриқ жиҳатдан антропонимнинг апеллятиви ва асос апеллятивини фарқлаш исм учун асос бўлган сўзнинг луғавий маъноси, исмнинг танланиши ва қўйилиши билан боғлиқ этнографик маъноси, исмнинг якка, хусусий қарашлар билан боғлиқлиги каби мураккаб назарий масалаларни осон ва тушунарли ҳал қилишга ёрдам беради. Жумладан, бу маънолар исмларнинг барчаси учун бир хилда тегишли эмас. Бунда шундай ҳолатлар кузатилади: 1) шахсни яққалаб аташ ва бошқа шахслардан ажратишга хизмат қилиш, яъни номинатив, индивидуал маъноси барча исмлар учун тегишли; 2) баъзи исмларда асос апеллятивнинг маъноси унинг исм сифатидаги маъносига мос тушгандек туюлади, лекин киши номларидан апеллятив маънони ахтариш, «талаб қилиш» ономастика қонуниятлари жиҳатидан ҳам, мантиқан ҳам тўғри эмас. Ҳар *Жаҳонгир* дунёни олиши, ҳар бир *Малика* малика бўлиши шарт эмас. Бу ҳолат атоқли отларнинг бошқа типларига ҳам тааллуқли: *Оққўрғон, Олтиариқ* каби; 3) исмнинг танланиш мотиви (кўчма, рамзий маъноси) апеллятивнинг луғавий маъноси билан мос келмайди. Бу ҳам табиий жараён бўлиб, аксар ҳолларда этнографик, номинатор(лар)нинг маданий савияси, дунёқараши каби омилларга боғлиқ бўлади: *сотиб олди – Сотиболди, арслон – Арслон, болта – Болта, қора – Қоравой*.

Тадқиқотнинг «Атоқли отлар ва номинатив универсалиялар» деб номланган тўртинчи бобнинг биринчи бўлими «Аталиш тамойиллари ва номинация қонуниятлари шаклланиши ижтимоий-тарихий тараққиёт маҳсули сифатида» тарзида белгиланган. Инсон ўз цивилизациясининг дастлабки кунлариданоқ ўзи яшаб турган муҳитни, атроф-жойларни ва умуман табиий ҳодисаларни, предметларни номлай бошлагани, бунга инсон ўзининг ҳаёт кечириш жараёнида дуч келган географик объектларни бир-биридан фарқлаш эҳтиёжини сезгани, яъни улар турли хилдаги объектларни бир-биридан фарқлашга мажбур бўлганлари, кишиларнинг бир-бири билан алоқаси жараёнида географик объектларнинг номлари ҳам худди иш

⁹⁸ Бондалетов В. Д. Ономастика и социолингвистика / Антропонимика. – М.: Наука, 1970. – С. 17-18.

⁹⁹ Бегматов Э. Киши номларининг маъноларига доир // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. – Тошкент, 1962. – №6. – Б. 50-54.

куроллари ва бошқа предметларнинг номлари сингари зарур бўлгани кабилар изоҳланган.

Топонимияда дастлабки номлар содда, объектнинг ўзи билан номлангани қайд этилади. Масалан, дарё, кўллар «сув» маъносини, тоғлар «тоғ» маъносини берувчи сўзлар билан аталган. Шундай бўлишига қарамай, мазкур сўзларнинг тарихий тавсифи улар ҳам бирдан шаклланмагани, ўзига хос тафаккур тарзи асосида ривожланганини кўрсатиш билан бирга қариндош бўлган ва қариндош бўлмаган этник бирликлар лингвомаданиятини очиб беришда муҳим. Бунда топоиндикаторларнинг ўрни бекиёс. Масалан, *daiza-*, *diza* орийча *daijha-*, *dijha-* (қадимги ҳинд тилида *dehi* «девор; кўтарма, тепалик; ғов», шу асосда ҳинд-европа тилларида *dheigho-s* «девор», юнонча *veîxoç* «девор»; инглизча *dike* «дамба, тўғон» шаклланган. Авестовийда *daēza-* «тупроқ уюми; тош қатлами»; қадимги форсийда *diā-* (клинописларда *didā-*) «истехком, кўрғон» *daida-* «девор», «кўрғон», мидия тилида *dizaka-* айнан «кўрғонда яшовчи, қалъалик». Мидия тилида *-ka* кўшимчаси *diza-* «кўрғон» сўзидан сифат ясаган. Мансублик маъносидаги бу кўшимча бошқа ҳинд-европа тилларида ҳам турли шаклларда учрайди. Ўрта форс тилида *diz([de)*, манихей битикларида *dyz* «кўрғон, қалъа»¹⁰⁰. Шунингдек, бу сўз классик форс тилида *dēz*, ҳозирги форс тилида *dez*, *diz* «кўрғон, қалъа» (бу сўз *-diz*, кейичалик *-giz* шаклида Ўрта Осиё ва Эрон топонимлари таркибида кўплаб учрайди – *Хуррамдиз*, *Кўҳандиз*, *Дарагиз*). Тожик тилида *diz*, *dez* «кўрғон, қалъа, истехком» маъносида бўлиб, эскирган сўзлар сирасидан жой олган¹⁰¹. Бохтар тилидаги *diz(z)* «баланд тоғ»; парфиянча *diz* «кўрғон», сўғд тилидаги *ôuz*, монавий битикларидаги *dyz*, сўғд ёзувидаги христиан битикларида *dyz* «кўрғон, шаҳар». Айтиш мумкинки, *diz* компонентининг шаклланиши дастлаб тупроқ тушунчаси билан боғлиқ. Бу тушунча кейинчалик «кўрғон», «қалъа» семалари томон кенгайган. Шу ўринда «диз» компоненти «ўраб олинган» маъносида ўзбек тили лексикасидаги айрим сўзлар таркибида ҳам мавжудлигини қайд этиш лозим. Мазкур топоиндикатор ҳам ўзбек тилида субстат қатламга мансуб бирликлар миқдори тахмин қилинганидан кўра кўпроқ ва тарқалиш ареали анча кенглигини кўрсатади. Шунингдек, мазкур бўлимда номлар таркиби саналувчи *девор*, *балиқ*, *шаҳар* каби сўзлар антропоцентрик ёндашув асосида таҳлил қилинган.

Демак, атоқли от таркибидаги ҳар қандай сўзнинг маъноси, семантикаси доимо уни қўллайдиган кишилар билгандан кўра кенгдир, чунки сўзнинг семантикасида дифференциал ва интеграл элементлар мавжуд.

Бобнинг иккинчи бўлими «**Топонимлар номинациясида нисбийлик ва траспозиция ходисаси**» деб номланади. Топонимлар номинациясида нисбатлаш (таққослаш) муҳим тамойиллардан биридир. Кўпгина тилларнинг жой номларини кузатиш уларда катта-кичик, баланд-паст, узоқ-яқин типиди

¹⁰⁰ Расторгуева В.С., Эдельман Д.И. Этимологический словарь иранских языков. Том 3. – Москва: Восточная литература, 2003. – С. 314.

¹⁰¹ Фарҳанги забони тоҷикӣ. Дар ду ҷилд. Ҷилди 1. – М.: Советская энциклопедия, 1969. – С. 369.

вужудга келган топонимик жуфтликлар мавжудлигидан гувоҳлик беради. Инсон бу типдаги номларни яратар экан, албатта, нисбатлаш тамойида энг муҳим компонентлардан ҳисобланган мўлжалга асосланади. Масалан, Хоразмда мўлжал сифатида бозор мавжуд бўлган қишлоқ қўлланилган. Кўпчилик ҳолларда узоқ-яқинлик бозорга нисбатан қўлланилган: *Атчавар* топоними ифодаланган объект мўлжалдан тўрт километр масофада, *Уччақирим* топоними 3 километр, *Йаккапарсанг* топоними 7 километр масофада жойлашганлигини аниқлаш мумкин. Мўлжал бўлган объект сифатида *кўприк, қудуқ, кечии* жойлари ҳам хизмат қилган.

Нисбатлаш тамойида вертикал йўналишдаги ҳаракат ҳам муҳим аҳамиятга эга: *Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ, Қуйи Чирчиқ, Юқори Дўрмон, Дўрмон, Оёқдўрмон, Баландкарта, Пасткарта, Йўқорикўпир, Пасткўпир...*

Топонимларнинг номинацияси томон маъносига асосланганда номинаторнинг турган нуқтаси ҳам муҳим аҳамиятга эга, яъни Урганчда турган киши учун Ҳазарасп юқори ҳисобланади, аммо Ҳазараспда турган одам учун Урганч паст тумандир. Бироқ Гурландаги киши учун Урганч юқори ҳисобланиши табиийдир. Топонимияда нисбатлаш тамойилининг томон маъносига асосланган усули анча сермахсул бўлиб, ўзига хос индикаторлар системасини вужудга келтирган: *Юқори* (баландлик, шарқ); *Паст* (пастлик, ғарб); *Ост* (қуйи томон, ғарб); *Уст* (юқори, шарқ); *Бош* (юқори, бошланиш); *Оёқ* (охири, қуйи); *Орқа* (шимол, тескари томон); *Қибла* (ғарб, олд томон, яъни намоз ўқиш, юзланиш томони); *Кунчиқар* (шарқ томон); *Оқ* (шарқ, кун чиқиш томон); *Қора* (кун ботиш, ғарб)...

Нисбатлаш тамойили баъзан объектнинг атрофига асосланса («ёнида, яқинида каби маъноларда мўлжалнинг аниқ дифференцияси йўқдир»¹⁰²), баъзан объектларнинг ҳажмига асосланиши мумкин: *Улликўл, Киччикўл, Уллитўба, Киччитўба, Уллийўл, Киччийўл, Катта кўл, Кичик кўл,...*

Демак, нисбийлик тамойили горизонтал йўналишга ёки вертикал йўналишга, ёки айланма ҳаракатга асосланган бўлиши мумкин. Номинатор бу тамойилга асосланишда мўлжалловчи объект, мўлжалловчи маъно ва мўлжалловчи белгига таянади.

Баъзи тадқиқотчилар айрим сўзларнинг ҳеч қандай воситалар ёрдамисиз топонимга айланиши ёки айрим атоқли отлар (антропонимлар, этнонимлар каби)ларнинг топонимга кўчиши каби ҳодисаларни метафора, метонимия, калька, трансформация каби номлар билан атайдилар¹⁰³. Бу терминларни номинация ҳодисасига нисбатан қўллаш унчалик тўғри эмас. Трансформация сўзларнинг ҳеч қандай ўзгаришсиз кўчишини назарда тутаяди. Атоқли отлар ва апеллятивнинг топонимга айланишида, қайд этилганидек, қатор ўзгаришлар содир бўлади. Шунинг учун ҳам бу ўринда транспозиция терминини қўллашни маъқул топдик. Топонимлар номинациясида

¹⁰² Кибрик А.Е. Указ.яз, имен, терминов и понятий. Сочинение. – Москва: МГУ, 1975. – С. 117.

¹⁰³ Мурзаев Э. М. Очерки топонимики. – М., 1959. – С. 282.; Карпенко А.Ю. Топонимическая реконструкция географии и географическая реконструкция топонимии. – М., 1976. – С. 56.

транспозициянинг уч хил характерда бўлишини кўриш мумкин: 1) категориялараро транспозиция (*Қизил, Улли, Биринчи, Алтмиш, Жаран...*); 2) ташқи транспозиция (*Кат, Ўғуз, Рават, Пил...*); 3) ички транспозиция (*Тошкент, Хитой, Ўзбекистон, Дўрмон...*).

Учинчи бўлим «**Топонимларда позитивлик ва негативлик тамойили**» деб номланади. Топонимларнинг номланиш тамойиллари орасида позитивлик тамойили ҳам ўзига хос ўринга эга. «Позитивлик бу топонимларда географик реалликнинг акс этиши»¹⁰⁴ бўлиб, бу тип топонимлар объектнинг физик-географик хусусиятлари тўғрисида, яъни шу ернинг рельефи, ўсимликлар дунёси, тупроғи ва унинг хусусияти кабилар ҳақида муҳим маълумот беради. Кўчманчилик билан кун кўрган чорвадор халқ, албатта, шу жойларнинг ўсимлик дунёси билан қизиққан ва бу белги жойларни фарқлашда бирламчи ўринда бўлган. Деҳқончилик билан шуғулланувчи халқ, шубҳасиз, ўзи яшайдиган жойнинг тупроғи, унинг ўзига хос томонлари билан қизиққан. Бу омиллар мазкур объектни номлаш учун асос бўлган.

Топонимлар номинациясида позитивлик объектнинг геоморфологик хусусияти, объектнинг шакли, кўлами; объектнинг ўсимликлар дунёсигагина эмас, балки номга асос бўлган дифференциал белгининг сон-саноғи, объектга боғлиқ бирор воқеа-ҳодиса, шу ҳудудда яшовчи халқнинг машғулоти ва касб-хунари, топонимик индикаторларнинг асос бўлиши каби иқтисодий-ижтимоий омилларга асосланади. Асосийси, топонимлар номинациясида позитивлик тамойили объектнинг реал характеристикасига асосланиши керак.

Топонимлар номинациясида позитивлик қатор омилларга асосланади:

1. Объектнинг геоморфологик хусусияти эътиборга олинади: *Қумлиқ, Дашлиқ, Сўғали, Шўрлиқ, Қайир, Тақир, Балчиқли; Учмушли, Бирйаримгектар, Тўрткўл ...*

2. Номланаётган объектнинг ўсимликлар дунёси асосий ва муҳим омил бўлади: *Қамишли, Тўрангилтўғай, Тутлиқ, Далатов, Йеканлик, Бўйанлиқ, Қилдирли* ва ҳоказо.

3. Ном дифференциал белгининг сон-саноғи омилига асосланади: *Қирқғужум, Бештам, Бешуйли, Бешйаман, Йеккалам, Уштарак, Алтмиш, Бешмарган* ва бошқалар.

Негативлик тамойили асосида аталган номлар парадоксал характерга эга. Бу тамойил моҳияти В.А.Жучкевич, В.А.Никонов ва Э.М.Мурзаевлар томонидан изоҳлаган¹⁰⁵. Дарҳақиқат, топонимлар номинациясида дифференциал белги сифатида энг кам тарқалган, энг ноёб предмет иштирок этиши мумкин. Саҳрода *Қумлоқ, Толдиқўрғон* ёки *Учқудуқ* номи вужудга келиши; ўзбеклар яшайдиган ҳудудда *Қазақавул, Йўмитлар, Чавдир* каби

¹⁰⁴ Мурзаев Э.М. География в названиях. – М., 1974. – С. 35.

¹⁰⁵ Жучкевич В.А. Топонимика. Минск, 1965. – С. 44.; Никонов В.А. Пути топонимического исследования / В кн. Принципы топонимики. – Москва, 1964. – С. 77-79.; Мурзаев Э.М. География в названиях. – Москва, 1974. – С. 46.

Ўнлаб номларнинг вужудга келиши шу тамойилга асосланади. Аммо шу нарсани эътибордан четда қолдирмаслик керакки, негативликда ҳудуд кўлами асосий ўринда туради. Ҳудуд кўлами қанчалик кичик бўлса, негативлик шунчалик аниқ бўлади.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. Атоқли отларнинг антропоцентрик тадқиқи унинг ном ва инсон ўртасидаги муносабатлар талқинида энг мақбул восита эканини кўрсатади. Ўзбек мумтоз филологиясида исм, асмо, мавсум, мусаммо, тасмия, важҳи тасмия, иштиқоқ, луғат, истилоҳ, тахаллус, куния, лақаб, олами кубро, олами суғро каби истилоҳлар тизими шаклланган бўлиб, улар моҳиятан замонавий тилшуносликдаги терминлар ифодалаган мазмуннинг аксар қисмини ўзида ифода этиши мазкур йўналишнинг туб илдизлари миллий меросимизга тааллуқли эканлигини исботлайди.

2. Жаҳон тилшунослигида тил бирликларини антропоцентрик аспектда тадқиқ этиш тарихий илдизлари қадимги Рим ва Греция мутафаккирлари билан бирга ўрта асрлар Илк уйғониш даври алломалари асарларида баён қилинган қарашлар, хусусан, Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Кошғарий, Маҳмуд Замахшарий ҳамда Алишер Навоий, Заҳирриддин Муҳаммад Бобур, Абулғози Баҳодирхон, Огаҳий каби олим ва адиблар асарларида келтирилган таҳлилий маълумотларда кузатилади.

3. XX аср ўзбек номшунослиги антропоцентрик тилшунослик атамалари билан иш кўрмаган бўлса ҳам, унда антропоцентрик таҳлил усуллари элементлари кўплаб учрайди. Хусусан, соҳада бажарилган ишларда ном ва тафаккур, ном ва руҳият, ном ва миллат, миллий дунёқараш, халқларнинг ўзаро тафаккур тарзидаги умумийлик ва хусусийлик масалалари кенг ёритилиб, атоқли отлар жамият ҳаётининг барча қирраларини акс эттирувчи ўзига хос тизим ҳисобланиши каби хулосаларга асос бўлувчи тадқиқотлар яратилган бўлишига қарамасдан, атоқли отлар антропоцентрик тадқиқи юзасидан муайян тизимга солинган, изчил баён қилинган монографик тадқиқотлар амалга оширилмаган.

4. Концепт – атоқли от ҳақидаги умумий тасаввур, тушунча эса хусусий тасаввурдир, атоқли от тилда концепт, нутқда тушунча сифатида намоён бўлади, шунингдек, ономастик бирликлар тадқиқида атоқли отлар кўпинча концепт сифатида таҳлил қилинади. Атоқли отлардаги «инсон – табиат», «инсон – жамият», «инсон – билим» концептлари миллий маданият қолинини таркиби саналувчи соматик, оралик, вақт, антропик, биоморфик, предметли, маънавий код каби турли ономастик кодларда намоён бўлади.

5. Номлар инсон фаолияти маҳсули, унинг тадрижий тараққиёти кўзгуси саналади. Атоқли отларнинг антропоцентрик аспектда тизимли таҳлили номларнинг ҳосил бўлиши, тараққиёт хронологиясини белгилашда муҳим аҳамиятга эга. Тарихий ва замонавий номларнинг вужудга келиши табиий-тарихий жараён бўлиб, антропоцентрик жиҳатдан икки асосий омил – тил материалларидаги ва халқ тафаккур тарзидаги ўзгаришларга боғлиқ.

6. Атоқли отларни ўзаро қариндош ва қариндош бўлмаган тиллар материаллари асосида антропоцентрик жиҳатдан қиёсий таҳлил қилиш турли этник бирликлар тафаккур тарзидаги умумийликни аниқлашда алоҳида аҳамият касб этса, фарқли жиҳатлар номларнинг миллий ўзига хослик

белгиси, миллий қадриятлар билан боғланиши масаласини ўрганишда муҳим ўрин тутди, бу борада этнолингвистик факторларни намоён қилади.

7. Антропоцентрик тадқиқ атоқли отларнинг қандай жамиятда вужудга келганлигини аниқлашга имкон беради, шу боис номларда жамият ҳақида етарли даражада тасаввур бера олиш қуввати – индикация хусусияти мавжуд бўлади. Атоқли отнинг индикация қуввати ном ва номинатор муносабатларига боғлиқ равишда турли даражада бўлиши мумкин. Шу жиҳатдан топонимлар ва неотопонимларнинг фарқли жиҳатлари антропоцентрик таҳлил натижасидагина маълум бўлади.

8. Номларда инсон фаолиятининг акс этиши тушунчаси жуда кенг бўлиб, шахс (номинатор)нинг ижтимоий-сиёсий ва жўғрофий-худудий муҳити, ақида-инонч ҳамда оламини англашга бўлган интилиш натижалари, турмуш тарзи, этногенези, маданий-маърифий даражаси каби кўламларни қамраб олади. Шунга кўра атоқли отлар тадқиқига оид ишларда берилган бир-биридан фарқ қилувчи таснифларда қайд этилган жиҳатлар тартиби ва таркиби жузъий фарқлар билан акс этаверади. Инсон фаолияти ижтимоий жараён бўлгани боис унинг натижасини намоён қилувчи номлар ҳақли равишда социоллингвистик тадқиқ учун манба бўла олади.

9. Ном – номинатор – номинация муносабатларини ономасиологик жиҳатдан солиштириш номинатори умумий атоқли отларнинг номинация тамойилларини белгилаш мумкин бўлиши ва номинатори чекланган атоқли отларда уларни белгилаш қийин бўлмаса ҳам, аниқ хулоса чиқариш имкони бўлмаслиги; номинатори умумий атоқли отларда турғун тафаккур тарзи ва номинатори чекланган атоқли отларда ўзгарувчан тафаккур тарзи акс этиши; номинатори умумий атоқли отларда номлаш жараёни анъанавий ҳолатда ва номинатори чекланган атоқли отлар номланишида бу жараён расмий тусда юз беришини кўрсатади.

10. Ономасиологик тамойилларда икки аспект – ўзбек тилининг ўзида ўзбек халқи томонидан яратилган номлар ҳамда ўзбек тилига бошқа тиллардан ўзлашган номлар фарқланади. Бундай ҳолатда номнинг қайси халқ тафаккурини акс эттириши, қайси тилнинг номсозлик санъати маҳсули экани ҳал қилувчи омил саналиб, ном учун асос сўзнинг тарихан бирор тилга мансублиги ўз аҳамиятини йўқотади.

11. Тилшунослигимизда кўп йиллардан бери аксарият ишларда атоқли отларнинг ясалиши термини остида, асосан, апеллятивнинг ясалишидаги умумий қонуниятлари ўрганилмоқда. Аммо бу ўринда атоқли отларнинг апеллятив таҳлили ва асос апеллятив таҳлили масаласи фарқланади. Хусусан, антропонимларда апеллятив ва асос апеллятивни фарқлаш исм учун асос бўлган сўзнинг луғавий маъноси, исмнинг танланиши ва қўйилиши билан боғлиқ этнографик маъноси, исмнинг яқка шахснинг оти сифатида юзага келувчи хусусий тушунчалар билан боғлиқлиги каби мураккаб назарий масалаларга аниқлик киритишга хизмат қилади.

12. Ономасиологияда апеллятив ва асос апеллятив тушунчаларининг тизимли жорий этилмаганлиги «киши исмларининг қўлланишида унинг

маъноси аҳамиятсиз», «киши исми учун этимология зарурий эмас» тарзидаги қарашларни юзага келтирган. Аслида асос апеллятивнинг маъносини номга мутлақо алоқаси бўлмаган маъно сифатида талқин қилиш мумкин эмас. Атоқли отлар ономазиологияси асосларини ҳам апеллятив ва асос апеллятив муносабатлари ташкил қилади.

13. Атоқли отлар, хусусан, топонимларни номлаш жараёнида объектнинг турли хусусиятларидан бири яққол белги сифатида асос қилиб олинади. Ана шу асос белги ном вужудга келган даврдаги халқ тафаккур тарзи, жамиятнинг ижтимоий формацияси, номинатор вазифасидаги этник бирликнинг тил материаллари, оламни англаш даражаси, тилда урфий маънода мавжуд сўзлар орқали турли тушунчаларни илғаш қобилияти каби кўплаб омилларга кўра ўзгариб туради. Шу жиҳатдан ҳар бир халқ атоқли отлари тизимида қайд этилган жиҳатларга асосан бир-биридан фарқланувчи қатламлар юзага келиши табиийдир.

14. Номинациядаги нисбийлик тамойили горизонтал йўналишга ёки вертикал йўналишга, ёки айланма ҳаракатга асосланган бўлиши мумкин. Номинатор бу тамойилга асосланишда мўлжалловчи объект, мўлжалловчи маъно ва мўлжалловчи белгига таянади. Транспозиция тамойилида эса номинатор ном орқали ушбу объектни кўрсатишга ҳаракат қилади. Натижада топонимлар номинациясида транспозициянинг категориялараро, ташқи ва ички типлари фарқланади.

15. Атоқли отлар тизимидаги турли тип номлар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Бу боғлиқлик натижасида географик терминлар топонимга, қариндошликни ифодаловчи сўзлар антропонимларга, биологик терминлар хрематоним, зооним, фитонимларга ўтиш мойиллигига эга бўлади. Топонимлар номинациясидаги транспозиция, аввало, индикаторларнинг топонимга айланишида намоён бўлади.

16. Топонимлар номинациясида позитивлик объектнинг геоморфологик хусусияти, объектнинг шакли, кўлами; объектнинг ўсимликлар дунёси, асос бўлган дифференциал белгининг сон-санови, объектга боғлиқ бирор воқеа-ҳодиса, объектда яшовчи халқнинг машғулоти ва касб-ҳунари, топонимик индикаторларнинг асос бўлиши каби табиий-жуғрофий ва иқтисодий-ижтимоий омилларга асосланади. Айрим ҳолларда топонимлар номинациясида негатив белги номланиш учун мотив вазифасини бажаради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 02/30.12.2019.Fil.46.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА,
ЛИТЕРАТУРЫ И ФОЛЬКЛОР АКАДЕМИИ НАУК РЕСПУБЛИКИ
УЗБЕКИСТАН**

УРГЕНЧСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ЮЛДАШЕВ ДОНИЁР ТАХИРОВИЧ

**АНТРОПОЦЕНТРИЧЕСКОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ ИМЁН
СОБСТВЕННЫХ**

10.00.01 – Узбекский язык

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОЛОГИЧЕСКИХ НАУК (DSc)**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора наук (DSc) по филологическим наукам зарегистрирована за номером B2017.3.DSc/Fil95 Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Ургенчском государственном университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский) размещен на веб-странице Научного совета (www.tai.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный консультант: **Дусимов Зариббой**
доктор филологических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Лутфуллаева Дурдона Эсоновна**
доктор филологических наук, профессор

Улуков Носиржон Мухаммадалиевич
доктор филологических наук, профессор

Хусанов Нишонбой Абдусатторович
доктор филологических наук, профессор

Ведущая организация: **Самаркандский государственный университет**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2021 года в ___ часов на заседании Научного совета DSc.29.11.2018.Fil.46.03. при Институте узбекского языка, литературы и фольклора Академии наук Республики Узбекистан (Адрес: 100060, город Ташкент, проезд Шахрисабзский, 5.Тел.: (99871) 233-36-50; факс: (99871) 233-71-14; e-mail: uzltafi@academy.uz.)

С диссертацией можно ознакомиться в Фундаментальной библиотеке Академии наук Республики Узбекистан. Адрес: 100100, г. Ташкент, улица Зиёлилар, 13. Тел.: (99871) 262-74-58.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2021 года.
(Протокол реестра рассылки за № _____ от «___» _____ 2021 года)

Н.М.Махмудов
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней,
д. филол.н., профессор

Г.М.Исмоилов
Ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней,
к.ф.н., старший научный сотрудник

Д.С.Худойберганава
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению ученых
степеней, д.филол.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировой лингвистике одними из важнейших задач являются освещение лексико-грамматических особенностей имён собственных, определение их этимологии, изучение человеческого фактора в формировании последних. Особенно продуктивно использование антропоцентрической парадигмы в обосновании сравнительно-исторических, лингвокультурологических и социолингвистических особенностей имён собственных; освещении общих и дифференциальных признаков имён собственных благодаря сравнению названий, возникших в разные исторические периоды и условия.

В мировом языкознании очень актуально основательное изучение выражения личностных качеств в именах собственных, мировоззрения, психологии, отношения к действительности носителей языка в образовании последних для определения национально-культурного своеобразия имён собственных различных языков. Система имён собственных – это национальное богатство каждого народа, нематериальное культурное наследие, имеющее важное значение в сохранении его ценностей. Именно поэтому «в нынешний период глобализации каждый народ, каждое независимое государство придает приоритетное значение обеспечению своих национальных интересов, прежде всего, сохранению и развитию своей культуры, исконных ценностей, родного языка».¹⁰⁶

При изучении системы имён собственных узбекского языка в рамках антропоцентрической парадигмы наряду с лингвокультурологическими, когнитивными, социолингвистическими, этнолингвистическими, лингвопоэтическими особенностями следует учитывать и тот факт, что имена собственные не только служат для обособленного обозначения предмета, но и выражают национальную ментальность, выполняют этнокультурную, этносоциологическую, когнитивную, креативную, аккумулятивную, аксиологическую, эстетическую, эмотивную функции. Задачи «определения перспектив роли и авторитета государственного языка на международном уровне, его взаимосвязи с другими языками», «глубокого изучения исторических корней нашего родного языка, его всестороннего развития на научной основе и области применения»¹⁰⁷, «определение перспектив роли и авторитета государственного языка на международном

¹⁰⁶ О мерах по кардинальному повышению роли и авторитета узбекского языка в качестве государственного языка. Указ Президента Республики Узбекистан №УП-5850 от 21 октября 2019 года. <https://lex.uz/docs/4561730>

¹⁰⁷ Постановление ПК-4479 Президента Республики Узбекистан «О широком праздновании тридцатилетия принятия закона Республики Узбекистан «О государственном языке» от 4 октября 2019 года. <https://lex.uz/docs/4664611?type=doc>

уровне, его взаимосвязи с другими языками»¹⁰⁸, поставленные перед узбекским языкознанием, обуславливают необходимость антропоцентрического исследования системы имён собственных, являющихся неотъемлемой частью духовного наследия, языковых особенностей данной системы.

Данное диссертационное исследование служит реализации задач, обозначенных в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, №УП-5850 «О мерах по кардинальному повышению роли и авторитета узбекского языка в качестве государственного языка» от 21 октября 2019 года, №УП-6084 «О мерах по дальнейшему развитию узбекского языка и совершенствованию языковой политики в стране» от 20 октября 2020 года, №УП-6097 «Об утверждении концепции развития науки до 2030 года» от 29 октября 2020 года, №ПП-2995 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы хранения, исследования и пропаганды древних письменных источников» от 24 мая 2017 года, №ПП-4479 «О широком праздновании тридцатилетия принятия Закона Республики Узбекистан «О государственном языке» от 4 октября 2019 года, Постановления №984 Кабинета Министров Республики Узбекистан от 12 декабря 2019 года «Об утверждении положения о департаменте развития государственного языка».

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития и технологий республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Обзор международных научных исследований по теме диссертации¹⁰⁹.

Научные исследования, направленные на системное изучение фонда имён собственных, осуществляются в ведущих научных центрах мира и высших учебных заведениях, в частности, Стамбульском университете (Турция), Вашингтонском университете (США), Амстердамском университете (Нидерланды), Лондонском университете (Англия), Пешаварском университете (Пакистан), Школе теологии Торонто (Канада), Институте востоковедения Российской академии наук, Казанском государственном университете, Башкирском государственном

¹⁰⁸ О мерах по кардинальному повышению роли и авторитета узбекского языка в качестве государственного языка. Указ Президента Республики Узбекистан №УП-5850 от 21 октября 2019 года.

<https://lex.uz/docs/4561730>

¹⁰⁹ Обзор международных научных исследований по теме диссертации осуществлён на основе следующих источников: www.utexas.edu, www.berkeley.edu, www.northwestern.edu, www.bu.edu, www.ecu.edu.au, www.unice.fr/en, www.u-bordeaux.com, www.lang.ox.ac.uk, www.english.pku.edu.cn, www.sophia.ac.jp/eng, www.u-tokyo.ac.jp/en, www.bsu.edu.az, www.msu.ru, www.bashedu.ru, www.kaznu.kz, www.navoiy-uni.uz.

педагогическом университете, Новосибирском государственном университете (Россия), Казахском национальном университете (Казахстан), Институте истории Национальной академии наук Азербайджана (Азербайджан), Ташкентском государственном университете узбекского языка и литературы имени Алишера Навои, Институте узбекского языка, литературы и фольклора АН РУз (Узбекистан).

В мировом языкознании на основе антропоцентрических исследований имён собственных получены следующие научные результаты: в 2007 году Б.Х.Мусукаевым защищена докторская диссертация на тему «Антропоцентризм в современной ономастике» (Нальчик, Российская Федерация); обоснованы лингвокультурологические особенности имён собственных (Пекинский университет, КНР); раскрыты стилистические особенности ономастических единиц, их функции в тексте (Софийский университет; Токийский университет, Япония); выявлена роль имен собственных в общелексической системе (Бакинский государственный университет, Азербайджан); обоснованы специфические особенности ономастических единиц в произведениях классической литературы (Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы имени Алишера Навои, Институт узбекского языка, литературы и фольклора имени Алишера Навои АН РУз, Узбекистан).

В мировом языкознании проводятся исследования по следующим приоритетным направлениям по комплексному изучению системы имён собственных: выявление факторов, способствующих возникновению отличительных признаков имен собственных определенного языка от таковых в других языках; раскрытие отношений названия и личности, проблемы их отражения в языке в тесной связи с социальными факторами, на основе исследования системы имён собственных изучение эволюции образа мышления человечества; экстралингвистические факторы антропонимической номинации, лингвокультурное исследование культурных ономастических единиц, типологическое исследование ономастических систем, а также лингвопоэтические особенности имён собственных в художественном тексте.

Степень изученности проблемы. В русском языкознании проведен ряд исследований на основе достижений антропоцентрического изучения имён собственных в мировом языкознании. В частности, в ряде работ таких исследователей, как В.М.Алпатов¹¹⁰, С.Г.Воркачев¹¹¹, А.А.Ворожбитова¹¹², Ю.В.Дорофеев¹¹³ внимание исследователей фокусируется на проблемах

¹¹⁰ Алпатов В.М. Об антропоцентричном и системоцентричном подходах к языку / В. М. Алпатов // *Вопр. языкознания.* – М., 1993. – №3.

¹¹¹ Воркачев, С. Г. Лингвокультурология, языковая личность, концепт: становление антропоцентрической парадигмы в языкознании / С. Г. Воркачев // *Филологические науки*, 2001. – №1.

¹¹² Ворожбитова, А. А. Теория текста: антропоцентрическое направление. – М.: Высш. шк., 2005. – 365 с.

